

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

9/2020

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Акмал МУРОДОВ
Шахноза АХАТОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан
босилган матнлар.

Тахририят фикри муаллиф фикридан ўзгача
бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва
кайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» –
«Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Ва-
зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттес-
тация комиссияси Раёсатининг 2013 йил
30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан
докторлик диссертациялари бўйича илмий
мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйха-
тига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбу-
от ва ахборот агентлигида 0026-рақам би-
лан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа
бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» рес-
публика танловида «Энг яхши ёритилган
ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб
деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz
Веб-сайт: www: odilsudlov.sud.uz

Босишга 2020 йил 22 сентябрда рухсат
этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма
табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал
тахририят компютерида терилди ва саҳи-
фаланди. Буюртма –45.
Нашр адади 4650 нусха.

Навбатчи муҳаррир
Муталиф СОДИҚОВ

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун – 908;
ташкilotлар учун – 909.

Сотувда келишилган нархда

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: 100 139,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй

ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.....3

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ.....9

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

А. Саидов. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг қўшимча кафолати.....25

А. Махкамов. Ислоҳотларнинг янги босқичи.....32

МУНОСАБАТ

С. Холбаев. Одил судлов – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати.....34

А. Муродов. Ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар кафолати.....38

МУЛОҲАЗА

И. Насриев. Суд ҳокимияти фаолиятининг янги босқичи.....40

Х. Қудратов. Оқлов ҳукми чиқариш учун асослар.....43

МУАММО ВА ЕЧИМ

Б. Саломов. Жиноят ишларини судда кўришда тортишув тамойилини такомиллаштириш масалалари.....46

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

Ф. Мажидов. Судлар фаолиятидаги тарихий бурилиш.....49

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотеКА ЮРИСТА.....79



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ*

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юришнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат-

лар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инobatга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатга етказилган зарар тўлиқ қоплалишини таъминлаш;

шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш;

жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг

Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасида 2020 йил 11 августда эълон қилинган.

моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш;

жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмини жорий қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг **жиноятларни фож этиш фаолиятини янада такомиллаштириш** бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг **ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш** (белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно);

жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у **ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш**;

шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаш билан боғлиқ тезкор тадбир амалда яқунланган ёхуд гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат **билан холи учрашиши таъминланиши шартлигини** белгилаш;

айбига иқроқлик бўйича келишув институтини жорий қилиш. Бунда, айрим жиноятлар тоифалари бўйича шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин

кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган ҳолларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан ёзма келишув тузилиши ҳамда унга нисбатан суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг **ярмидан кўп бўлмаган** миқдори ва (ёки) муддатигача жазо тайинлаш;

жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра **суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш** (депонирование) тартибини жорий қилиш;

ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқиляётганда **ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш**.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг **жиноят ишларини судда кўришни янада такомиллаштириш** бўйича

қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича **барча тарафларга бериш**;

агар суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ушбу шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича **барча тарафларга бериш**;

шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилатганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Маҳсул қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда **ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш**;

судланувчининг жиноят содир этилишига дахли бўлмаганлиги асоси билан оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда жиноятни ҳақиқатда содир этган шахсни аниқлаш ва айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш учун жиноят ишини прокурорга юбориш тартибини ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

4. Қуйидагилар тақиқлансин:

терговга қадар текширув, суриштирув ва

дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга **ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш**. Бунда, тезкор-қидирув тадбирлари натижалари фақат улар қонун талабларига асосан олинган ва шахсда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ёки тезкор тадбирда иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлгандагина суд ҳукмида далил сифатида тан олиниши мумкин;

шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда (экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно), уни **гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш**, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан **бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш**;

ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда **уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш**;

суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доирасида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва бошқа суд процесси иштирокчиларини **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ёки сўроқ қилиш** (улар билан боғлиқ бўлган алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши ёки суднинг ёзма топшириғи мавжуд ҳоллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази

билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумни **тиббий кўриқдан ўтказиш**, шунингдек, вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини **гувоҳлантириш** уларнинг ёки адвокатининг илтимосномасига асосан **24 соат ичида** вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари **тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан амалга оширилиши шарт**, бунда харажатлар илтимоснома киритувчи тараф ҳисобидан қопланади;

оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар **ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қоида** вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан **қўлланилмайди**;

вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича **қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди**.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда **жиноят ишининг терговга тегишлилиги институтини янада такомиллаштириш** бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган ҳолларда жиноят иши бир суриштирув ёки дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказилиши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан амалга оширилиши мумкинлигини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Миллий гвардияси қўмондони ва Давлат божхона қўмитаси раисининг алоҳида эътибори жиноят ишларининг терговга тегишлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларига **сўзсиз риоя этилиши учун жиноят ишларини тергов қилиш ваколатига эга бўлган тегишли тузилмалар раҳбарлари шахсан жавобгар** ҳисобланишига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори жиноят ишларини терговга тегишлилигига оид қоидаларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўриб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

«**Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика**» ягона ахборот тизимида яратилган жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш имконини берув-

чи дастурий модулни барча терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга уланишини ва 2021 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ ишга туширилишини;

уч ой муддатда жиноятлар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар:

суриштирувчи ва терговчиларни **видеотасвирга олиш воситалари билан таъминлаш**; тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларини **тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда** фойдаланиладиган техник воситалар ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги:

2021 йил 1 январга қадар Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлинмалари ва Ички ишлар бош бошқармаси тергов бошқармасининг фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ **намунавий тарзда ташкил этсин**. Бунда, уларни замонавий криминалистик ускуналар билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тизимлари ҳамда стенография юритиш ускуналари билан таъминлашга, шунингдек, хизмат биносида махсус тергов ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчининг **ҳимоячи билан холи учрашиш хоналарининг** мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилсин;

2021 йил якунига қадар тергов бўлинмаларининг намунавий фаолиятини ташкил

этишнинг натижаларини инобатга олган ҳолда бундай тажрибани бошқа барча суриштирув ва дастлабки тергов тузилмаларида жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу Фармоннинг 8 ва 9-бандларида назарда тутилган тадбирлар билан боғлиқ сарф-харажатлар тегишли давлат органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва халқаро ҳамкорлар кўмаги ҳисобидан ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

бир ой муддатда Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **тергов соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасасини ташкил этиш** бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

икки ой муддатда прокуратура органларининг белгиланган штат бирлиги доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тизимида **прокурор-криминалист** лавозимини жорий этиш;

уч ой муддатда Давлат бюджети параметрларида прокуратура органлари учун ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан прокурор-криминалистларни замонавий махсус жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ушбу **Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш** мақсадида бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (Йўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати раиси (Азизов), ички ишлар вазири (Бобожонов), Миллий гвардия қўмондони (Джу-

раев) ва Давлат божхона қўмитаси раиси (Азимов) – республика ва вилоятлар даражасидаги ҳайъат йиғилишларини онлайн тарзда ўтказиб, унда суриштирув ва дастлабки тергов тузилмалари раҳбарлари ва масъул ходимларига суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича янги қабул қилинган чоралар мазмун-моҳияти етказилиши ва амалиётга тўғри татбиқ этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси (Камилов) – Олий суд Пленумининг навбатдан ташқари йиғилишида қабул қилинган Фармон нормалари судларда тўғри татбиқ этилиши, шунингдек, суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш устидан суд назоратини қўлайтириш масалаларини кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси ва «Дунё» ахборот агентлиги билан биргаликда – оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда

ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларни аҳоли ва экспертлар ҳамжамияти орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармонда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чоракда ахборот бериб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 август

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» 2020 йил 28 августдаги Фармонида асосан суд-ҳуқуқ соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган ҳамкасбимиз Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси **Тўхташев Абдил Касимович** «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Биз ҳамкасбимизни ушбу юксак мукофот билан чин дилдан қутлаймиз. Унинг келгусидаги ишларига муваффақият тилаймиз.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТОМОНИДАН 2020 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЧОРАГИДА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шарт.

Жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2019 йил 27 февралдаги ҳукмига кўра, Д.М.га ЖК 28, 246-моддасининг иккинчи қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланилган ҳолда 8 йил, 25, 273-моддасининг бешинчи қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланилган ҳолда 8 йил, ЖК 59-моддаси тартибида 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 6 августдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Д.М. Х.М. ва жиноят ишидан қисми ажратилган Қирғизистон Республикаси фуқароси билан олдиндан тил бириктириб, 2018 йил сентябрь ойида Д.М. ва Х.М. Қувасой шаҳри ҳудудида «Замир» исмли шахс билан кўришиб, контрабанда йўли билан олиб ўтиладиган 1 килограмм «гашиш» гиёҳвандлик воситасини 4 000 АҚШ доллариغا сотиб олишга олдиндан келишиб, 2018 йил 3 октябрь куни «Замир» исмли шахс «гашиш» гиёҳвандлик воситасини Қирғизистондан Ўзбекистон ҳудудида контрабанда йўли билан олиб ўтгач, шу куни Д.М. бошқарувидаги давлат рақами

40 Е 511 МА «Matiz» автомашинасида Х.М. билан бирга Қувасой шаҳри, Полмон қишлоғига бориб, «Замир» билан кўришиб, унга 4 000 АҚШ долларини бериб, 672 грамм «гашиш» гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, Х.М. «гашиш» гиёҳвандлик воситасини ёнида сақлаб йўловчи такси автомашинасида, Д.М. ўзининг «Matiz» автомашинасида Х.М.ни орқасидан кузатиб, Фарғона шаҳрига ҳаракатланиб келиб, Х.М. Д.М.нинг кўрсатмасига асосан йўловчи такси автомашинасида тушиб, Д.М. бошқарувидаги автомашинага чикмоқчи бўлганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олиниб, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, ўз ҳаракатларини охирига етказа олмасдан кўп миқдордаги 672 грамм «гашиш» гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганликда айбли деб топилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Д.М.нинг айби исботлангани ҳақида ҳулосага келган бўлса-да, бироқ унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 07-сонли қарорининг 16-бандидаги ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақ-

дирдагина чиқарилиши, 24-бандида суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Хусусан, дастлабки тергов органи ва суд Д.М.дан олинган гиёҳвандлик воситаси миқдори 672 грамм бўлиб, фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганидан келиб чиқиб, унинг гиёҳвандлик воситасини ўтказишга суиқасд қилганликдаги айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, бироқ унинг гиёҳвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига сотишга суиқасд қилганлиги ҳақидаги хулосасига асос бўлган бирон-бир далилни келтирмасдан тахминий қарор қабул қилган.

Зеро, Олий суд Пленумининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 2017 йил 28 апрелдаги таҳрирининг 21-бандида ЖКнинг 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳада этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозимлиги, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги, мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖКнинг 273-моддаси бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шунга кўра, гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилгани ёки экспертизанинг

айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисида берган хулосасининг ўзи айбдорни гиёҳвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига ўтказишга суиқасд қилганликда айблаш учун етарли далил ҳисобланмайди.

Чунки, Д.М.дан олинган 672 грамм «гашиш» гиёҳвандлик воситасини айнан сотиш ҳақида бирон-бир шахс билан келишгани ёки унинг шунга қаратилган ҳаракатлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда тўхтатилгани ёхуд унда ушбу воситаларни айнан сотиш йўли билан ўтказиш мақсади бўлгани аниқланмаган ва бундай далилни бугунги кунда тўплаш ва мавжуд шубҳани бартараф этиш имкониятлари тутаган.

Қайд этилганларга кўра, Д.М.да гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиш йўли билан ўтказиш мақсадининг бўлганлиги тасдиқланмагани боис, унинг ҳаракатларини гиёҳвандлик воситасини Х.М. билан олдиндан тил бириктириб, кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш учун сақлаш деб баҳолаш лозим бўлади.

Шу сабабли, судлов ҳайъатининг 2020 йил 5 майдаги ажрими билан суд қарорларининг Д.М.га оид қисми ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари ЖК 25, 273-моддасининг бешинчи қисмидан шу модда учинчи қисмининг «б» бандига қайта квалификация қилиниб, шахси ва қилмишларига мувофиқ меъёрда жазо тайинланган.

ЖСХ-1-1505-1901/11-сонли иш

* * *

2. Кўрсатувларнинг, шу жумладан, айбига иқрорлик тўғрисидаги кўрсатувларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар орқали олинishi далилларни номақбул деб топишга асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман

судининг 2015 йил 1 майдаги ҳукмига кўра, И.Б. ЖК 205-моддасининг биринчи қисми билан ЖК 45-моддасига асосан 3 йил ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, 208-моддаси билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 210-моддаси иккинчи қисмининг «в», «г» бандлари билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖК 59, 61-моддалари тартибида 3 йил ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2017 йил 28 апрелдаги ажрими билан ҳукмнинг И.Б.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, судланувчи И.Б. Тошкент шаҳар Бектемир туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили лавозимида хизмат қилиб келиб, эгаллаб турган лавозимида кўра мансабдор шахс бўла туриб, бошқа мансабдор шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Бектемир туман ИИБнинг навбатчилик қисмида Шакл-2 китобидан 1884-сон билан қайд этилган, 2013 йил 17 август куни соат 21:00 ларда «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖ ҳудудида А.Т. раҳбарлигида ташкил этилган жиноий гуруҳ аъзолари билан бошқа номаълум шахслар ўртасида безорилик жинояти жараёнида А.Т. раҳбарлигида ташкил этилган жиноий гуруҳ аъзоси Ш.А.нинг тан жароҳати олганлиги ҳақидаги хабари бўйича Ш.Д. 2013 йил 18 август куни терговолди текширув ҳаракатларини ўтказишни профилактика инспектори С.Р.га юклаб, ўз навбатида, С.Р. ноқонуний бойлик орттириш ва мулкый манфаат кўриш мақсадида ғаразгўйлик ниятида, Бектемир туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили И.Б. билан ушбу безорилик жинояти натижасида жиноий гуруҳ

аъзоси Ш.А.нинг тан жароҳати олганлиги ҳолати юзасидан ўтказилаётган терговолди текширув ҳаракатлари давомида жиноят иши кўзгатмасликка ва ишни ижобий ҳал қилиб, уларга нисбатан чора кўрмаслик эвазига тамагирлик йўли билан А.Т.дан пора беришни талаб қилишиб, ундан С.Р. 2 маротаба 250 000 сўмдан жами 500 000 сўм, И.Б. эса 400 000 сўм миқдоридаги пул маблағларини пора тариқасида олишиб, безорилик жинояти бўйича тўпланган ҳужжатлар юзасидан 21.08.2013 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан жиноят ишини кўзгатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилиб, ушбу қарорни Бектемир туман ИИБ ҚООБ бошлиғи Ш.Д. томонидан тасдиқланишига эришиб, содир этилган жиноят бўйича суриштирув ҳаракатларини тўлиқ амалга оширмасдан, ҳокимият ҳаракатсизлигига йўл қўйган.

Бундан ташқари, судланувчи И.Б. Бектемир туман ИИБ ҚООБ профилактика инспектори лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, туман ИИБ Патруль пост хизмати гуруҳининг милиционерни Н.Қ. билан жиноий тил бириктириб, 07.10.2011 йилда Д.Т.нинг тан жароҳати олганлиги юзасидан терговолди текшириш ҳаракатлари олиб бориб, мазкур жиноятни содир этган Ш.А., Д.А, М.М. ва бошқаларни 10.10.2011 йилда Тошкент шаҳар ИИББ Реабилитация Марказига жойлаштириб, уларни Марказдан чиқариш эвазига гуруҳ раҳбари А.Т.дан 100 000 сўмлик бозорликларни тамагирлик йўли билан олиб, Бектемир туман ИИБ бошлиғи номидан Тошкент шаҳар ИИББ Реабилитация Маркази бошлиғи номига хат тайёрлаб, 12.10.2011 йилда М.М.ни, 15.10.2011 йилда Ш.А. ва Д.А.ларни Реабилитация марказидан олиб чиқишган.

Бундан ташқари, И.Б. Бектемир туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили лавозимида ишлаб келиб, туман ИИБ тезкор ва-

кили Р.Г. билан жиноий тил бириктириб, «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори»да турли тадбиркорлардан товламачилик йўли билан ҳақ талаб қилиб келган А.Т., Ф.Э., Ш.А., Д.А., А.М. ва бошқаларнинг ноқонуний фаолиятини амалга оширишда ҳомийлик қилиб, улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларига чора кўрмаслик, уларни Тошкент шаҳар ИИББ Реабилитация Марказига жойлаштирмаслик, ўтказилиши кутилаётган турли рейдлар ҳақида олдиндан хабардор қилиш эвазига 28.12.2013 йилда гуруҳ аъзоси Ф.Э. орқали 12 дона 180 000 сўмлик тол новдасидан тўқилган саватлар, 12 дона 120 000 сўмлик кокос цитрус меваси, жами 300 000 сўм миқдоридagi бозорликларни тамагирлик йўли билан пора тариқасида олишган.

Бундан ташқари, судланувчи И.Б. 2009 йил июнь ойидан Бектемир туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори ва 2012 йил июль ойидан Бектемир туман ИИБ ЖК ва УЖҚҚБ тезкор вакили лавозимида ишлаб келиб, хизмат юзасидан ўзига бириктирилган «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖда турли тадбиркорлардан товламачилик йўли билан ҳақ талаб қилиб келган А.Т., Ф.Э., Ш.А., Д.А., А.М. ва бошқаларнинг ноқонуний фаолиятини амалга оширишда ҳомийлик қилиб, улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларига чора кўрмаслик, уларни Тошкент шаҳар ИИББ Реабилитация Марказига жойлаштирмаслик, ўтказилиши кутилаётган турли рейдлар ҳақида олдиндан хабардор қилиш эвазига 2009 йил июнь ойидан 2012 йил июль ойига қадар А.Т.дан жами 9 800 000 сўмлик бозорликларни пора тариқасида олиб, 07.10.2011 йилда Д.Т.нинг тан жароҳати олганлиги юзасидан терговолди текшириш ҳаракатлари олиб бориб, мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғаш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим бўлса-да, ҳокимият ҳаракатсизлигига йўл қўйиб, безорилик жиноятини содир этган

Ш.А.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 52-моддасининг иккинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка оид иш кўзғатиб, суднинг 15.10.2011 йилдаги қарори билан Ш.А. ушбу Кодекснинг 21-моддасига асосан огоҳлантирилишига эришган.

ЖПК:

22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши;

23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши;

95-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо бериши, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 07-сонли қарорининг 16-бандида «ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишини иш бўйича барча

мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги тушунтирилган.

Бирок, иш бўйича қайд этилган Қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя этилмаган.

Суд ҳукмида гарчанд судланувчи И.Б. ўз қилмишига иқрор эмаслигини билдирган бўлса-да, унинг айби судда сўроқ қилинган гувоҳ Д.Т., А.Т., Ф.Э., Ш.А., Д.А. ва бошқа гувоҳларнинг кўрсатувлари, шунингдек жиноят иши ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар билан исботланганлиги баён қилинган.

Ваҳоланки, биринчи инстанция судида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган А.Т., Ш.А., Д.А., Ф.Э. ва бошқалар судланувчи И.Б. ва бошқаларга моддий қимматликлар бермаганлигини, терговда берган кўрсатувларини умуман тасдиқламаслигини, уларни тазйик остида берганлигини, суддаги кўрсатмаларини тўғри бераётганлигини билдиришган.

Бундан ташқари, ушбу иш бўйича судланган Ш.Д., Н.Қ., Р.Г.лар ҳам ўзларига қўйилган И.Б. ва бошқаларга оид айбловга иқрорлик билдирмасдан кўрсатувлар беришган.

Судлов ҳайъатида сўроқ қилинган И.Б. 2009 йил июнь ойидан 2012 йил июль ойига қадар Бектемир туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, 2012 йил июль ойидан 2014 йил 2 майга қадар ЖҚ ва УЖҚҚБ тезкор вакили лавозимида ишлаб келганлигини, хизмат фаолияти давомида «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ҳудуди бириктирилганлигини, бозор ҳудудида А.Т. ва унинг шерикларини 2013 йил ёз ойларида кўрганлигини, лекин улар билан умуман яқин алоқада бўлмаганлигини, 2011 йил 7 октябрда Д.Т.нинг тан жароҳати олганлиги ҳолати юзасидан текшириш ўтказиб, Д.Т.дан тушунтириш хати олгани, уни Ш.А. уриб тан жароҳати етказ-

ганлигини билганлигини, Д.Т.ни суд-тиб-биёт экспертизасидан ўтказганида «енгил» тан жароҳати етказилганлиги ҳақида хулоса берганлиги, материал бўйича ИИБ ТБ бошлиғига ахборот бериб, Ш.А.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 52-моддасининг иккинчи қисми билан маъмурий ҳужжатларни расмийлаштирганлигини, туман прокурорининг ўринбосари ҳужжатларни асосли деб топганлиги сабабли, мазмунан кўриш учун жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судига юборганлигини, А.Т. ва унинг шерикларидан умуман бозорликлар олмаганлигини, Д.Т.нинг аризаси юзасидан гумонланувчилар Д.А., Ш.А. ва М.М.ларни прописка масаласида Тошкент шаҳар ИИББ Реабилитация марказига жойлаштирилганлигини, Д.Т.га тайинланган суд-тиббий экспертизаси хулосаси тайёр бўлганидан сўнг Бектемир туман ИИБ Навбатчилик қисмининг хатига асосан Н.Қ. уларни олиб чиқиб, жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судига олиб борганлигини, Н.Қ. билан жиноий тил бириктириб, А.Т. ва унинг шерикларидан моддий манфаат кўрмаганлигини, дастлабки тергов давомида А.Т. ва бошқалар билан юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказилмаганлигини, 2013 йил 17 августда «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ҳудудида бўлган жанжал натижасида Ш.А. тан жароҳати олганлигидан умуман хабари бўлмаганлигини, 2013 йил август ойида Бектемир туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚБда тезкор вакил бўлиб ишлаганлигини, С.Р. билан ўзаро жиноий тил бириктирмаганлигини, А.Т. унга тегишли «Nexia» русумли автомашинасига 400 000 сўм миқдоридан пул олиб келиб бермаганлигини, дастлабки тергов давомида С.Р.нинг қарори бекор қилиниб, жиноят иши қўзғатилганлиги ҳақида эшитганлигини, 2013 йил 27 декабрь куни раҳбариятдан рухсат олиб Наманган вилоятига отасининг туғилган кунини нишонлаш мақсадида кетганлигини ва 30 декабрь куни қайтиб келганлигини, шу

сабабли, Ф.Э.дан 2013 йил 28 декабрь куни 12 дона 180 000 сўмлик тол новдасидан тўқилган сават ва 13 дона 130 000 сўмлик кокос мевалари олмаганлигини, дастлабки тергов давомида берган кўрсатмаларини УЯ 64/ТХ-1-сонли тергов ҳибсхонасида «лахмач»лар, яъни муқаддам оғир ва ўта оғир жиноятлар учун судланиб, жазо ўтаётган шахслар томонидан ўтказилган тазйик остида ёзиб берганлигини, улар томонидан унга нисбатан жисмоний азоб берилганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Судда Н.Қ. 2011 йил апрель ойидан 2012 йил ноябрь ойига қадар Бектемир туман ИИБ Патруль пост хизмати гуруҳининг милиционери, 2012 йил ноябрь ойидан 2014 йил 2 май кунига қадар Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси 4-батальон 3-отрядининг милиционер-ҳайдовчи лавозимида ишлаганлигини, А.Т. ва бошқаларнинг қамоққа олиниб, улардан руҳий ва жисмоний тазйиклар остида «лахмач»лар ёрдамида олинган кўрсатувлари асосида айбланганлигини, Бектемир туман ИИБ профилактика инспектори И.Б. билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, фуқаро А.Т.дан 100 000 сўмлик бозорликларни қилиб беришни талаб қилмаганлигини баён қилган.

Судда Р.Г., ИИБ раҳбариятининг кўрсатмасига асосан 3-худуд «Нурафшон» маҳалласи ва «Кўйлик» бозорига ҳудудий тезкор вакил бўлиб хизмат олиб бориш вазифаси топширилганлигини, 2014 йил 1 май куни 24 соатлик хизматдан сўнг тушлик вақтига яқин уйга келганлиги, бир оздан сўнг «Нексия» автомашинасида икки нафар ходим келиб ва ҳужжат кўрсатиб, ГУВДга олиб келишганлигини, у ерда у билан бирга Бектемир туманидан тезкор вакиллар И.Б. ва А.Қ., профилактика инспекторлари С.Р., З.У., Н.М. ва ППХ ходими Н.Қ.ларни ҳам кўрганлигини, шу тариқа жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов жараёнида руҳий ва жисмоний тазйиклар остида сўроқ қилиниб, асосиз айбловлар билан жиноий жавобгарлик-

ка тортилганлигини, тезкор вакил И.Б. орқали А.Т. ва бошқалардан 12 дона 180 000 сўмлик «тол» дарахти новдасидан тўқилган саватлар ва 12 дона ҳар бирининг баҳоси 10 000 сўмдан жами 120 000 сўмлик цитрус кокос мевасини - жами 300 000 сўм миқдордаги бозорликларни пора тариқасида олмаганлигини, судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ф.Э. ҳам, унинг тоғаси А.Т. ҳам ҳақиқатни айтиб, унга ҳеч қандай мева-чева, кокос ёки тол новдасидан тўқилган саватлар олиб бермаганлигини, терговдаги кўрсатувлари унга турли жисмоний қийноқлар қўллаган ҳолда олинганлигини, қийноқларга чидай олмай шундай кўрсатувларни тасдиқлаб беришганларини айтиб кўрсатувлар беришса-да, инobatга олинмасдан асосиз судланганлигини билдирган.

Судда Ш.Д., Бектемир туман ИИБ ҲООБ бошлиғи лавозимида ишлаб келганлигини, «Кўйлик» бозорида фаолият юритиб келган сурхондарёлик шахсларнинг қамоққа олиниб, тазйиклар остида берган мажбурий кўрсатувлари асосида Бектемир туман ИИБнинг бир қанча ходимларига жиноят иши қўзғатилиб, қамоққа олиниб, МХХнинг назорати остида олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида руҳий ва жисмоний қийноқларга солиниб, унга нисбатан иқрорлик кўрсатувлари олишиб, шу асосида у ҳам қамоққа олинганлиги, шу тариқа уни ҳам қийноқларга солишиб, ИИБ бошлиқлари, прокурор, судья ва бошқаларга қанча пора берганлиги ҳақида ёзиб беришини талаб қилиб, ҳеч кимга пул бермаганлигини баён қилишига қарамасдан, қаттиқ қийноқларга солинганлиги, судда берган кўрсатувлари эътиборга олинмасдан асосиз судланганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Судлов ҳайъатида сўроқ қилинган А.Т., И.Б.ни танигани, лекин уни моддий манфаатдор қилиб турмагани, бозорликлар қилиб бермагани, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, қамоққа олинганидан сўнг турли қийноқларга солиниб, «Бектемир туман ички

ишлар ходимларига пул ва бозорликларни пора тариқасида берганмиз» деб кўрсатув беришга бир неча кунлаб мажбур қилишгани, уларга нисбатан ўтказилган кучли жисмоний ва руҳий тазйиқлар (тирноқларини суғуриш, кипятильник босиш, металл қувурлар билан уриш ва бошқа шу кабилар)га чидай олмасдан «лохмачлар» томонидан ёзиб берилган «ариза»ларга имзо қўйганлигини ва суд жараёнида эса, бу ҳолатларни барчаси нотўғрилигини, улар терговдаги кўрсатмаларига кучли босим ва мажбурликдан имзо қўйганини айтиб, ички ишлар ходимларига қарши берган кўрсатмалари ёлғон эканлиги ҳақида кўрсатув берган.

Иш биринчи инстанция судида кўрилган вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 12-сонли қарорининг:

1-бандида суриштирув органлари, дастлабки тергов ва суднинг далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдаги фаолиятида қонунийлик принципининг риоя этилиши мажбурийлиги, қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроқсиз) деб топилишига олиб келиши, номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмаслиги;

3-бандининг «в» кичик бандида кўрсатувларнинг, шу жумладан, айбига иқдорлик тўғрисидаги кўрсатувларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, кадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар орқали олиниши далилларни

номақбул деб топишга асос бўлиши тушунтирилган.

Биринчи инстанция суди, иш юзасидан пора берувчи А.Т. ва бошқа шахслар ўша вақтда ариза билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилмаганликлари, кейинчалик МХХ ходимлари ва бошқа шахсларнинг тазйиқи остида қамоққа олинган вақтида ариза берганликлари, шунингдек улар судда берган кўрсатувларида дастлабки терговдаги кўрсатувлари ихтиёрий эмаслиги ҳамда нотўғри эканлигини баён қилишганликлари жиноят ишида тўпланган ҳужжатларга мос келишини муҳокама қилмасдан ҳолатга аниқлик киритмаган.

Шунингдек, жиноят ишида И.Б.нинг айбини тасдиқловчи далиллар топилмаган, жумладан, у пора олиш вақтида ушланмаган, иш бўйича пора предмети бўлган пул маблағлари олинмаган, иш бўйича унинг бошқа шахс билан пора олиш ёки бериш ҳақидаги сўзлашувларининг аудио ёки видеоёзувлари ҳам мавжуд эмас.

Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2019 йил 5 сентябрдаги ҳамда 2019 йил 7 ноябрдаги ажримларига кўра, мазкур ҳукмининг Ш.Д., С.Р., З.У., Н.Қ., Р.Г. ва Н.М.ларга нисбатан қисми бекор қилиниб, уларнинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли ЖПК 83-моддасининг 1 ва 2-бандларига асосан реабилитация қилиниб оқланган.

Шу сабабли, судлов ҳайъатининг 2020 йил 18 июндаги ажрими билан И.Б.нинг қилмишларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли суд қарорларининг уни ЖК 210-моддаси иккинчи қисмининг «в», «г» бандлари, 205-моддасининг биринчи қисми ва 208-моддаси билан айбли деб топиш қисми бекор қилинган ҳамда жиноят ишининг шу қисми ЖПК 83-моддасининг 1 ва 2-бандларига асосан тугатилган.

ЖСХ-1-53-2015-сонли иш

* * *

3. Ишда тўпланган далилларнинг тарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида танилмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 2010 йил 12 октябрдаги ҳукмига кўра, Б.Қ. ЖК 205-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди билан 2 йил мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 3 йил, 210-моддаси учинчи қисмининг «б» банди билан 10 йил 6 ой, ЖК 59-моддаси тартибида 2 йил мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 12 январдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.Қ.:

2009 йилда таниши Н.А. орқали Ф.Ф.дан Олтинсой туман меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи этиб тайинлаш учун 1 000 АҚШ долларини, С.Р.дан Музработ туман меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи этиб тайинлаш учун 1 500 АҚШ долларини;

2009 йил октябрь, ноябрь ойларида Ж.Ю.дан Қизирик тумани меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи этиб тайинлаш учун 400 000 сўмни;

2009 йил февраль ойида Ш.Т. орқали К.Ж.дан Термиз шаҳар бўлимида эгаллаб турган вазифасида ишлаётганлиги учун 1 000 АҚШ долларини;

2007 йил ёз фаслида Музработ тумани меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Х.Ш. орқали У.Х.дан унитар бўлими бошлиғи этиб тайинлаш учун 400 000 сўмни;

2009 йилда Ш.Т. орқали Термиз шаҳар

меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Б.Х.дан 150 АҚШ долларини, шу йилнинг май ойида 400 АҚШ долларини;

2009 йил июнь ойида Ш.Т. орқали Б.Х.дан 300 АҚШ доллари, шу йилнинг июль ойи бошларида 500 000 сўм, июль ойи охирида 300 000 сўм, август ойининг ўрталарида 160 000 сўм, август ойининг охирида 277 000 сўм пулни;

Музработ тумани меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Х.Ш.дан 2006 йилда 45 000 сўмлик бир дона гиламни, 2008 йилнинг июль, август ойларида 100 000 сўм, 2009 йилнинг март, апрель, май, июнь ойларида қизининг тўйи учун 1 тадан қўйни пора тариқасида олган.

Бундан ташқари, Б.Қ. Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи лавозида ишлаб келиб, масъул мансабдор шахс бўла туриб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1995 йил 20 сентябрда 177-сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1995 йил 8 сентябрдаги «Бюджет муассасалари ва ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида»ги Низомнинг 3.2 ва 3.3-бандларида назарда тутилган, яъни бюджет корхоналарининг раҳбарлари юқори турувчи идорасининг буйруғи билан рағбатлантирилиши ҳақидаги талабларни бузиб, юқори турувчи вазирликнинг буйруғи ёки рухсатини олмасдан ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, мансабидан қасддан фойдаланиб, ўзининг буйруғи билан 2006 йил июнь-декабрь ойларида 163 000 сўм, 2007 йил январь-декабрь ойларида 577 300 сўм, 2008 йил январь-декабрь ойларида 1 002 300 сўм, 2009 йил январь-февраль ойларида 120 800 сўм, умумий ҳисобда 3 540 500 сўм мукофот пулини олишга ҳамда олган мукофотлари ҳисобидан пенсия жамғармасига 858 900 сўм маблағ ажратилиб тўланишига, натижада давлат бюджетига жами 4 399 400 сўмлик

моддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

ЖК 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

ЖПК 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар тўла ва холисона текшириб чиқилиши, судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозимлиги қайд этилган.

Иш биринчи инстанция судида кўрилган вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2-сонли қарорининг 3-банди, кейинчалик янги таҳрирда 2014 йил 23 майда қабул қилинган «Суд ҳукми тўғрисида»ги 07-сонли қарорининг:

5-бандида ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, бунда ЖПК 26 ва 455-моддалари талабига биноан, ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асослантирилган бўлиши лозимлиги;

ушбу қарорларнинг 6-бандида ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида танилмаганлиги ёки кўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, иш бўйича қайд этилган Қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя этилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, дастлабки тергов ва суд Б.Қ. Сурхондарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қи-

лиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, 2006-2009 йиллар давомида бир неча шахсдан пора олганликда айбли деб топилган.

Б.Қ. судда Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келиши давомида ҳеч кимдан пора олмаганлиги, пора олганлиги тўғрисида унга нисбатан тухмат уюштирилганлиги, ҳақиқатан 2007 йил апрель ойида Х.Ш. туғилган куни муносабати билан бир дона гиламни совға тариқасида, бундан ташқари, 2009 йил июнь ойида қизининг никоҳ тўйини ўтказганида ҳам бир дона кўйни тўёна сифатида олиб келганлиги, бироқ Х.Ш.га ушбу нарсаларни олиб келиши ҳақида айтмаганлиги, уларни бирор ишни бажариб бериш учун пора тариқасида олмаганлиги, Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимида тайинланган вақтдаги буйруқда унга иш ҳақиға 30 фоиз устама белгиланиши кўрсатилгани ҳамда ходим сифатида моддий рағбатлантириш олиши мумкин бўлгани, шунинг учун кўпчилик учун чиқарилган моддий рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқларга ўзини ҳам қўшиб хатоликка йўл қўйган бўлиши мумкинлиги, аммо бунга қасддан ва ғараз мақсадларда содир этмагани ҳақида кўрсатувлар берган.

Жабрланувчи К.Ж. судда 2008 йил 31 мартдан 2009 йил август ойига қадар Термиз шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази директори лавозимида ишлаганлиги, марказ директори лавозимида тайинланиши учун Б.Қ.га 1 000 АҚШ доллари пора бермаганлиги, дастлабки тергов даврида унга нисбатан нотўғри кўрсатув бергани ҳақида;

жабрланувчи Ж.Ю. судда 2009 йил 22 октябрдан Қизирик тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи лавозимида ишлай бошлагани, шу йили пахта мавсумида Қизирик туманига келган Б.Қ. соғлиғи яхши

эмаслигини айтиб, ундан 500 000 сўм сўраганлиги, шунда унга 400 000 сўм берганлиги, кейинчалик тергов даврида терговчига ишга ўтганидан сўнг Б.Қ.га 400 000 сўм пора берганлигини айтиб, ариза ёзиб бергани, терговдан чиққанидан сўнг виждони кийналганлиги сабабли қилган иши тўғрисида Б.Қ.га маълум қилиб, МХХ вилоят бошқармаси бошлиғи номига Б.Қ. ундан пора талаб қилиб олмагани тўғрисида ариза ёзиб почта билан юборгани, Б.Қ.га нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида;

жабрланувчи Б.Х. судда Термиз шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари ва бошлиғи лавозимларида ишлагани, Б.Қ.га пора бермаганлиги, дастлабки терговда Ш.Т. орқали унга пора берганлиги ҳақида нотўғри кўрсатув беришга мажбур бўлганлиги ҳақида;

жабрланувчи Ш.Т. судда Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида ишлаб келганлиги, 2010 йил февраль ойида МХХ вилоят бошқармасига чақиртирилиб, К.Ж. ва Б.Х. унга нисбатан ариза ёзганлигини айтишганлиги, кейин Н.А. ҳам Б.Қ.га пора беришда воситачилик қилганликда айбланиб камокка олинганидан кўрқиб кетиб, К.Ж. ва Б.Х. томонидан берилган порани Б.Қ.га берганлиги ҳақида нотўғри кўрсатув беришга мажбур бўлганлиги ҳақида;

жабрланувчи С.Р. судда Музработ туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи лавозимига тайинланиши учун Н.А. орқали Б.Қ.га 1 500 АҚШ доллари пора бермаганлиги, дастлабки терговда бу ҳақда нотўғри кўрсатув беришга мажбур бўлганлиги ҳақида;

жабрланувчи У.Х. судда 2007 йилда Музработ туман ижтимоий таъминот бўлимига қарашли шўъба бошлиғи лавозимига тайинланиши учун бўлим бошлиғи Х.Ш.га 400 000 сўмни Б.Қ.га етказиши учун бергани, Б.Қ. ундан пул талаб қилмагани ёки унинг ўзига шахсан пул бермаганлиги ҳақида;

жабрланувчи Х.Ш. судда Музработ туман

ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи лавозимида ишлаганлиги, Б.Қ.нинг туғилган кунида бир дона гиламни унинг хайдовчисига бергани, Б.Қ.нинг талаби билан бир дона қўй олиб бориб бергани, 2009 йил апрель ойида бир дона сўйилган қўйни Б.Қ.нинг қизини тўйига ўз ихтиёри билан тўёна сифатида олиб бориб бергани, Тошкент шаҳрига кетаётган Б.Қ.нинг қўлига 100 000 сўм пул бергани, 2007 йил ёз фаслида У.Х.ни ишга олиш учун ундан 400 000 сўм олиб, бу пулни Б.Қ.га берганлиги ҳақида;

гувоҳ С.Қ. судда Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида Б.Қ.нинг хайдовчиси бўлиб ишлаганлиги, 2006 ёки 2007 йилда Х.Ш. олдида келиб, бошлиқнинг туғилган куни экан деб, илтимос билан бир дона гиламни автомашинасига солиб кетгани, Б.Қ.нинг бирор шахсдан пора олганлигини кўрмаганлиги ёки эшитмаганлиги, дастлабки терговда ёзилган кўрсатувларини ўқимасдан имзо қўйиб бергани ҳақида кўрсатувлар берган.

Шундай ҳолда, жабрланувчи тариқасида эътироф этилганлар К.Ж., Ж.Ю., Б.Х., Ш.Т., С.Р. суд мажлисида Б.Қ.га пора бермаганликлари, У.Х. ишга кириш учун 400 000 сўм пулни Х.Ш.га берганлиги, гувоҳ С.Қ. Б.Қ. бирор шахсдан пора олганлигини эшитмаганлиги ёки кўрмаганлиги, Б.Қ. эса ҳақиқатда Х.Ш.дан туғилган кунида бир дона гиламни совға, қизининг тўйида бир дона қўйни тўёна тариқасида олганлигини инкор этмаган ҳолда, бундан бошқа ҳеч кимдан пора олмаганлиги тўғрисида кўрсатувлар берган бўлса-да, биринчи инстанция суди ишнинг ушбу ҳолатларига, уларнинг дастлабки терговда Б.Қ.га пора берганлиги тўғрисида кўрсатув беришга мажбур бўлганликлари ҳақидаги баёнотларига ҳамда ишда пора предмети тариқасида олинган ашёвий далиллар, почта-телеграф ва электрон жўнатмалар, аудио ёки видеоёзувлар, айнан пора олиш факти билан боғлиқ телефон ёки бошқа мосламалар орқали амалга оширилган сўзлашувлар каби да-

лиллар мавжуд эмаслигига етарлича эътибор қаратмасдан, фақат уларнинг дастлабки терговда берган ва Х.Ш.нинг бошқа биронта далили билан тасдиқланмаган кўрсатувларини асос қилиб олиб, Б.Қ.ни пора олиш жиноятини содир этишда айбдор деб топиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Назорат инстанциясида сўроқ қилинган У.Х., Музработ туман ижтимоий таъминот бўлимига қарашли шўъба бошлиғи лавозимига тайинланиши учун бўлим бошлиғи Х.Ш.га ёки у орқали Б.Қ.га 400 000 сўм пора бермаганлигини, Б.Қ.га нисбатан иш қўзғатилган вақтда уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари чақириб, пул берганлигини билишларини айтишиб, агар пул берганлигини айтмаса қамалиб кетиши мумкинлигини маълум қилишганлиги учун қўрққанидан пора берганлиги тўғрисида тергов ва судда нотўғри кўрсатувлар берганини, аслида пора эвазига ишга кирмаганлигини;

Х.Ш. Музработ туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиши жараёнида Б.Қ.га бирон ишни ҳал қилиш ёки қўллаб туриши учун пора бермаганини, У.Х.дан ҳам ишга кириши учун пора олиб Б.Қ.га етказмаганини, Б.Қ.га нисбатан иш қўзғатилган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари Б.Қ.га моддий қимматликлар ва пул берганлигидан хабарлари борлигини, агар унга пул берганлигини айтмаса қамалиб кетишини билдиришганлиги сабабли ўзидан қўрқиб, Б.Қ.га пора бергани тўғрисида тергов ва судда ёлғон кўрсатувлар берганини баён қилган.

Шунингдек, назорат инстанциясида К.Ж., Б.Ҳ., Ж.Ю., С.Р. ва Ш.Т., биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, Б.Қ.га пора бермаганликлари, дастлабки терговда қўрққанларидан пора беришганлиги ҳақида айтишга мажбур бўлишган бўлса-да, кейин биринчи инстанция судида ҳақиқий ҳолатни маълум қилишганлиги, бирор ҳолатда Б.Қ.га пора беришмаганлиги ҳақида кўрсатувлар беришган.

Шу билан бирга гувоҳлар Ф.Ф., Н.А., Б.У., Д.Ш., Х.Х. ва Т.А. назорат инстанциясига Б.Қ.га пора бермаганликлари, Б.Қ.ноҳадан жавобгарликка тортилганлиги ҳақида аризаларни тақдим этишди.

Қайд этилган ҳолатлар, жумладан, У.Х. ва Х.Ш.нинг ўзлари назорат инстанциясида инкор этган дастлабки тергов ҳамда биринчи босқич судида берилган кўрсатувлардан ташқари, Б.Қ.нинг айбдорлиги бирон-бир бошқа далил билан тасдиқланмаганлиги, иш бўйича жабрланувчи деб топишган шахсларнинг Б.Қ.га пора беришгани ҳақида дастлабки терговда кўрсатув беришга мажбур бўлишганлиги тўғрисидаги вазияти ҳамда ишда мавжуд бўлган шубҳалар судда текширилмаганлиги ва баҳо берилмаганлиги, ҳозирда Б.Қ.нинг пора олганлиги ҳолатлари билан боғлиқ шубҳаларни бартараф этиш имкониятлари туғай деб топишга асос бўлади.

ЖПК 951-моддасига мувофиқ, агар фактик маълумотлар жабрланувчи ва гувоҳнинг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 24-сонли қарорининг 9-бандида далил жабрланувчи, гувоҳнинг фароз, тахмин, миш-мишларга асосланган кўрсатувлари, шунингдек жабрланувчи, гувоҳ ўзининг хабардорлиги манбасини айтиб бера олмаган ёки айтишни хоҳламаган ҳолларда мақбул эмас деб топилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати Б.Қ.нинг айблаш учун бир-бирига қарама-қарши бўлган, тахминлар ва судда текширилган далиллар йиғиндиси билан тасдиқланмаган ҳамда иш биринчи босқич судида қўрилган вақтда қисман, назорат инстанциясида эса тўлиқ ўзлари томонидан инкор этилаётган шахс-

ларнинг кўрсатувларидан иборат мақбул бўлмаган далиллар асос қилиб олинганлигини, бундан бошқа жиноят содир этилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, ҳозирда далиллар тўплаш имконияти тугаганлигини инобатга олиб, иш бўйича Б.Қ.нинг пора олиш жиноятидаги айби исботланмаган, деб ҳисоблаган.

Булардан ташқари, суд қарорларига қараганда, Б.Қ. маъсул мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, иш фаолияти давомида белгиланган тартибга риоя этмасдан ўзига мукофот пули берилиши тўғрисида буйруқлар чиқариб, 2006 йил июнь ойидан 2009 йил февраль ойига қадар 3 540 500 сўм мукофот пули олишга ҳамда олган мукофотлари ҳисобидан пенсия жамғармасига 858 900 сўм маблағ ажратилиб, давлат манфаатларига жами 4 399 400 сўм моддий зарар етказилишига сабабчи бўлганликда ҳам айбланган.

Назорат инстанциясида гувоҳ Ф.М., Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида ҳамкасби Б.М. билан бирга текшириш ўтказишгани, текширишда Б.Қ. бош бошқарма бошлиғи лавозимида ишлаган фаолияти давомида бошқа ходимлар қатори ўзига ҳам моддий рағбатлантириш пуллари тўланиши ҳақида буйруқлар чиқаргани, ушбу ҳолатда Б.Қ. моддий рағбатлантиришни бош бошқарманинг юқори турувчи идораси, яъни вазирлик буйруғи билан олиши лозимлиги тўғрисидаги қоидалар бузилгани, натижада Б.Қ.га бюджетдан 3 454 000 сўм, унинг ҳисобидан пенсия жамғармасига 858 000 сўм ажратмалар Низом талабларига зид равишда тўланганлиги аниқлангани, ушбу ҳолатда хужжатлар сохталаштирилмаганлиги, фақат тартиб бузилганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Муҳокама этилаётган мазкур қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган ЖК (эски таҳрирдаги) 205-моддасига мувофиқ, ҳокимият ва мансаб ваколатини суиистеъмол

қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мансабдор шахснинг ҳаракатини ЖК (эски таҳрирдаги) 205-моддасининг биринчи қисми билан малакалаш учун айбдорнинг қасддан мансаб ваколатини суиистеъмол қилишдан иборат қилмиши оқибатида давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши, ЖК (эски таҳрирдаги) 205-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди билан малакалаш учун давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказган ҳолда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш маъсул мансабдор шахс томонидан содир этилиши лозим.

Қонун мазмунига кўра, ЖК 205-моддасининг иккинчи қисмидаги зиён ёки зарар миқдори билан боғлиқ ҳолатдан ташқари жиноятни малакаловчи бошқа белгилар билан айбдор деб топиш учун ҳам шахснинг қилмишида шу модданинг биринчи қисмида белгиланган кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишининг мавжуд бўлиши асосий мезон ҳисобланади.

Иш биринчи инстанция судида кўрилган вақтда амалда бўлган ЖКга кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор – кўп миқдор эканлиги белгиланиб, бунда жиноят оқибатида етказилган моддий зарар энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари ва ундан кўпроқ миқдорда бўлиши назарда тутилган.

Б.Қ. томонидан содир этилган жиноят оқибатида етказилган 4 399 400 сўм моддий зарар эса ҳукм чиқарилган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг (45 215 сўм) 97 бараварига тенг бўлиб, бу кўп миқдорни ташкил этмаган.

Шундай ҳолда, суд ишни кўриш вақтида Б.Қ. томонидан мансаб ваколатини суи-

истеъмол қилиш оқибатида етказилган ҳамда айбловда қайд этилган моддий зарар миқдори жиноят таркибини келтириб чиқармаслиги ҳолатига эътибор қаратмаган бўлса, ишни апелляция инстанциясида кўриб чиқилишида биринчи инстанция судининг мазкур хатоси ҳам бартараф этилмасдан қолган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ 391-сонли Қонуни билан ЖК саккизинчи бўлимига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга кўра, мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс эканлиги белгиланди.

Ушбу Қонун билан ЖК 205-моддаси диспозицияси янги таҳрирда баён этилиб, ушбу моддадан масъул мансабдор шахснинг жиноят содир этганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи квалификация белгиси чиқарилган.

ЖПК 83-моддасида иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса судланувчи айбсиз деб то-

пилиши ва реабилитация этилиши лозимлиги белгиланган.

Шунга кўра, судлов ҳайъатининг 2020 йил 19 июндаги ажрими билан Б.Қ.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, унга қўйилган айблов ўз тасдиғини топмагани сабабли, жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ва унинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги тўғрисида якуний тўхтамга келинган ҳолда у айбсиз деб топилиб, реабилитация этилган.

ЖСХ-2-108-10/2010-сонли иш

* * *

4. Хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фақат алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш учун фойдаланиб, ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида ўз хизмат ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга оширган ҳоллардагина вужудга келади.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг 2019 йил 28 июндаги ҳукмига кўра, А.У.га ЖК 210-моддаси иккинчи қисмининг «а», «в» бандлари билан ЖК 45-моддаси қўлланиб, 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан марҳум қилиниб, 5 йил, 209-моддасининг биринчи қисми билан 1 йил, ЖК 59, 61-моддалари тартибида 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан марҳум қилиниб, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 30 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, 2019 йил 20 февраль куни фуқаро Б.Б. А.У.нинг олдида келиб, «Бадал» маҳалласи худудидан уй-жой со-

тиб олмоқчи эканлиги, бироқ сотиб олмоқчи бўлаётган уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари мавжуд эмаслиги, ушбу уй-жойнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун маълумотнома расмийлаштириб беришини сўраганида, А.У. фуқаро Б.Б.га маҳалла томонидан бериладиган маълумотнома, яъни ўзини-ўзи бошқариш органи мансабдор шахси сифатида расмийлаштириб бериши лозим бўлган ҳужжат эвазига сотиб олаётган уй-жой суммасининг 5 фоизи миқдорида, яъни 600 АҚШ доллари миқдорида тўлови борлигини билдириб, қонунга хилоф эканлигини билгани ҳолда ушбу пул маблағларини Б.Б.дан тамагирлик йўли билан талаб қилиб, ўзи томонидан содир этилаётган жиноий ҳаракатларига қонуний тус бериш ва келгусида ўзининг жиноий қилмишлари фош бўлган тақдирда муқаррар жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида, гўёки «Бадал» маҳалласи ҳудудидан ноқонуний қурилган уй-жойларни кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун бериладиган маълумотномаларга 500 000 сўмдан, маҳалла ҳудудидаги кўчмас мулклар юзасидан расмийлаштирилган олди-сотди шартномаси умумий суммасининг беш фоизи миқдорида маҳаллага тўлов ундириш ҳақида ўзининг номидан маҳалла раиси сифатида қарор расмийлаштириб, ушбу қарорни Б.Б.га кўрсатиб, бу ҳаракатлари билан Б.Б.га гўёки қонуний тўловларни тўлашини талаб қилаётгандек намоиш қилиб, ўзи томонидан олинаётган пора миқдорини ўзаро келишувга кўра 400 АҚШ доллари бўлишини белгилаган ва ушбу куни Самарқанд туман прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти туман бўлими ҳамда ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, А.У. «Бадал» МФЙнинг маъмурий биносидаги хизмат хонасида Б.Б.дан тегишли тартибда маълумотнома расмийлаштириб бериш эвазига олдиндан

келишилган 400 АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни пора тариқасида олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Шу каби, А.У.нинг «Бадал» маҳалласи ҳудудидан ноқонуний қурилган уй-жойларни кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун бериладиган маълумотномаларга 500 000 сўмдан пул маблағлари талаб қилаётганлиги ҳақида эшитган фуқаро А.И. 2019 йил 20 февраль куни А.У. билан учрашиб, «Бадал» маҳалласида яшашини, яшаш уйининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш юзасидан Давлат хизматлари агентлигига тақдим этиш учун маълумотнома беришини сўраганида, А.У. мансаб мавқеидан фойдаланиб, эгаллаб турган лавозимга кўра расмийлаштириб бериши лозим бўлган маълумотнома эвазига 500 000 сўм пуллар бериши лозимлигини уқтириб, ўзи томонидан тамагирлик йўли билан талаб қилиниб, олинаётган порани гўёки ободонлаштириш ишлари учун тақдим қилаётганлигини кўрсатиш мақсадида ўзи томонидан тайёрланган қарорни А.И.га кўрсатиб, ўзининг жиноий ҳаракатларига қонуний тус беришга уринган, А.И.нинг Самарқанд туман ИИБга берган аризаси юзасидан 2019 йил 20 февраль куни ўтказилган тезкор тадбирда, А.У. «Бадал» МФЙнинг маъмурий биносидаги хизмат хонасида А.И.дан олдиндан келишилган 500 000 сўм пулларни расмийлаштириб бериши лозим бўлган маълумотнома эвазига такроран, тамагирлик йўли билан пора тариқасида олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Шундан сўнг, А.У. ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси бўла туриб, А.И.дан моддий манфаатдор бўлганидан сўнг фуқаро А.И. «Бадал» маҳалласида яшамаслигини англагани ҳолда, ғаразгўйлик мақсадларни кўзлаб, расмий ҳужжат ҳисобланган оила аъзолари ҳамда ер участкасида эгалик қилган ва иморат қурилган вақт тўғрисидаги маълумотномага гарчанд А.И. «Бадал» маҳалласида яшамаса-да, унинг ушбу маҳаллада

жойлашган иморатда яшаётганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритиб, расмий ҳужжатларни сохталаштириб, сохта маълумотлар киритилган расмий ҳужжатни А.И.га тақдим этиб, бу билан давлат ва жамоат манфаатларига, жумладан, ўзи ҳамда бошқариш органларининг аҳоли олдидagi обрўсига путур етказиш ва обрўйсизлантиришда ифодаланган жиддий зарар етказган.

Самарқанд вилоят ИИБ ЭКБнинг 2019 йил 5 мартдаги экспертиза хулосасига кўра, 400 АҚШ доллари ва 500 минг сўм бўлган пулларда кимёвий кукун излари мавжудлиги, ушбу пулларда «пора» сўзлари тақдим қилинган махсус кимёвий қалам билан ёзилганлиги, А.У.нинг ўнг ва чап қўллари кафт бармоқларидан суртмалар олинган пахта тампонларида махсус кимёвий кукун излари мавжуд бўлиб, уларни кимёвий таркиби, нурланиш ранги бўйича пулларда аниқланган махсус кимёвий кукун билан ўхшашлиги қайд этилган.

ЖПК:

22-моддасида суд жиноят юз берганлиги, унинг содир этилишида ким айбдорлиги, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзга келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши;

23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши;

463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши,

айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзга келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши;

467-моддасида ҳукмда суднинг ҳар бир судланувчига нисбатан хулосаларига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиш сабаблари ёзилиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 07-сонли қарорининг:

16-бандида ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши;

21-бандида (ЖПКнинг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандида, суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда ушбу белгининг жинойий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, судлар томонидан иш бўйича қайд этилган Қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Хусусан, дастлабки тергов органи ва суд ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш учун иморат жойлашган ҳудуддаги Давлат хизматлари маркази орқали туман (шаҳар) ҳокимининг номига ёзиладиган аризага фуқаро томонидан илова қилиниб берилиши лозим бўлган ҳужжатлардан бири мурожаат

этувчининг оила аъзолари ҳақида ҳамда ер участкасига эгалик қилган муддатлари ва иморат қурилган вақт тўғрисида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг маълумотномалари илова қилиниши белгиланганидан келиб чиқиб, А.У. МФЙ раиси сифатида маълумотномаларни расмийлаштириб бериш эвазига Б.Б. ва А.И.дан 400 АҚШ доллари ва 500 000 сўм пулларни олган деб ҳамда уни ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахнинг манфаатларини кўзлаб бажарган деб топиб, тахминий қарор қабул қилган.

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, А.У. 2019 йил 20 январь куни МФЙнинг кенгаш мажлиси давомида ўзлаштириб олинган ер участкаларини олди-сотди қилинишида, фуқаролардан 500 000 сўм миқдоридан бир марталик йиғим тўлатиш, шундан сўнг кадастр ҳужжатлари расмийлаштиришни амалга ошириш, тақдим қилинган суммани маҳаллани ободонлаштиришга йўналтириш бўйича қарор чиқарилишига эришиб, ўзини ушбу қарорни ижросини таъминлаётгандек кўрсатиб, Б.Б.дан 400 АҚШ доллари ҳамда А.И.дан 500 000 сўм пул маблағларини қўлга киритаётганида ушланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сонли қарорининг:

21-бандида хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этганлик (ЖК 168-моддаси учинчи қисми «в» банди) учун жавобгарлик мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фақат алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш учун фойдаланиб, ўзганинг мулкани ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида ўз хизмат ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга оширган ҳоллардагина вужудга келиши;

8-бандида, агар шахс ўзганинг мулкани ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шарти билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкани ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозимлиги назарда тутилган.

Судлар юқоридаги Олий суд Пленуми қарори талабларига кўра, А.У.нинг МФЙ раиси сифатида ер олди-сотдиси жараёнида йиғиладиган кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш вақтида ҳеч қандай ваколати бўлмаса-да, 2019 йил 20 январь куни МФЙнинг кенгаш мажлиси қарорида фуқаролар ўзлаштириб олинган ер участкаларини олди-сотди қилиш олдидан йиғиладиган кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида 500 000 сўмдан йиғим олишни белгилаб, фирибгарлик йўли билан фуқароларни мулкани қўлга киритиш мақсадида ўзига шароит яратган ҳолда ҳаракат қилганлик ҳолатига ҳамда маҳалла томонидан бериладиган маълумотнома фақат маълум бир шахснинг шу ҳудудда яшашлигини билдириб, кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиши жараёнида ҳуқуқий оқибатга эга эмаслигига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, судлов ҳайъатининг 2020 йил 29 июндаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, А.У.нинг ҳаракатлари ЖК 210-моддаси иккинчи қисмининг «а», «в» бандларидан ушбу Кодекс 25, 168-моддаси учинчи қисмининг «в» бандига қайта квалификация қилиниб, унга шахси ва қилмишларига мувофиқ меъёрда жазо тайинланган.

ЖСХ-1-1402-1902/74-сонли иш



ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ ҚЎШИМЧА КАФОЛАТИ



А. САИДОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Спикерининг биринчи
ўринбосари, Инсон
ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон
Республикаси
Миллий маркази
директори, академик

«Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак»лиги Давлатимиз раҳбари томонидан судларнинг олдига қатъий талаб сифатида қўйилди.

Бундан уч йил аввал белгилаб берилган устувор вазифалар доирасида 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ислохотлар натижасида судлар томонидан илк мартаба 2 минг 273 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган.

Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига олинган. Инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг 60 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар амалий натижасини бермоқда. Бу йўналишда янги қабул қилинган қонунлар, жорий этилаётган таъсирч-ан механизмлар, сони тобора ортиб бораётган оқлов ҳукмлари юртдошларимизда адолат, бахтли ҳаёт ва келажакка ишончни янада мустаҳкамламоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасида эришилаётган самаралар халқаро кўламда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, яқинда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари, шунингдек АҚШ Давлат департаменти ўз ҳисоботларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган шиддатли ўзгаришлар, хусусан, диний эътиқод эркинлигини таъминлаш ва одам савдосига барҳам бериш борасидаги ислохотларга ижобий муносабат билдирди.

БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи юзасидан ўз маърузасини БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг навбатдаги сессиясига тақдим этди. Ушбу маърузада Ўзбекистонда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида эришилган ижобий натижалар алоҳида таъкидланган.

Диего Гарсия-Саян, авваламбор, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда давлат институтлари ва сиёсатни ислох этиш ҳамда модернизация қилиш бўйи-

Ушбу махсус сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сонли Фармонининг мазмун-моҳиятига бағишланган.

ча кенг камровли дастур ишлаб чиқилганига халқаро ҳамжамият эътиборини қаратган. Ҳозирги даврда одил судлов тизимида амалга оширилаётган ислоҳот ана шу дастурнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

БМТ Махсус маърузачиси Президент Шавкат Мирзиёев ўз лавозимини бажаришга киришган пайтдан бошлаб амалга оширган муҳим ишлар қаторида, жумладан, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқшуносларнинг ўз касбий фаолиятини янада эркин бажаришини таъминлашга қаратилган ислоҳотнинг 8 та амалий натижасини бирма-бир санаб ўтган.

Биринчи натижа – суд ҳокимияти ва судлар хизматини ташқи сиёсий босимлардан муҳофаза қилиш борасида кенг ваколатларга эга бўлган конституциявий орган сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил этилган.

Иккинчи натижа – суд тизими қайта тuzилган, хусусан, Олий хўжалик судига тегишли вазифалар Олий суд тасарруфига ўтказилган, маъмурий ишлар бўйича судларнинг янги тизими яратилган ҳамда Адлия вазирлиги зиммасидаги судлар фаолиятининг маъмурий жиҳатлари билан боғлиқ айрим маъмурий ва техник функциялар Олий суд ҳузурида янги ташкил этилган Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ихтиёрига берилган.

Учинчи натижа – прокурорларга нисбатан муносабатда судьялар мустақиллигининг ўзига хос кўрсаткичи сифатида, жиноят ишлари бўйича оқлов ҳукмлари сони изчил ортиб бормоқда.

Тўртинчи натижа – судьялик лавозимларига номзодларни саралаш ва тайинлашнинг янги тартиб-таомиллари жорий этилган.

Бешинчи натижа – судьялар алмаштирилмаслиги кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича амалий чоралар кўрилган.

Олтинчи натижа – судьяларни бирламчи ва узлуксиз тайёрлаш тизимини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилган, шу жумладан, Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби очилган.

Еттинчи натижа – судлар чиқарган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда

эълон қилиб борилмоқда ва одил судловдан фойдаланиш имкониятларини осонлаштириш ҳамда бу борадаги шаффофликни оширишга қаратилган электрон тартиб-таомиллар босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

Саккизинчи натижа – коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат соҳасида бир қатор жуда муҳим ислоҳотлар амалга оширилган, хусусан, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган ва бундай чораларни амалга ошириш учун таъсирчан механизмлар яратилган.

Д. Гарсия-Саяннинг фикрича, ушбу чора-тадбирларни том маънода мустақил ва холис одил судлов тизимини барпо этиш йўлидаги дастлабки қадамлар деб ҳисоблаш лозим. Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан ҳақиқатан ҳам мустақил бўлишига эришиш ҳамда судьялар, прокурорлар ва адвокатлар ўз касбий фаолиятини ҳеч қандай асоссиз аралашувлар ва босимларсиз, эркин амалга оширишларини таъминлаш учун ҳали жуда кўп ишлар қилиш керак бўлади.

БМТ Махсус маърузачиси бу борада бир қатор тавсиялар ҳам берган.

Биринчи тавсия: ислоҳотларни давом эттириш, хусусан, суд ислоҳотларини халқаро стандартларга мос равишда амалга ошириш;

иккинчи тавсия: судлар фаолиятига бошқа ҳеч қандай органларнинг аралашмаслигига эришиш;

учинчи тавсия: Судьялар олий кенгаши ваколатларини кенгайтириш;

тўртинчи тавсия: олий юридик таълимни ривожлантириш;

бешинчи тавсия: суд тизимида гендер тенгликни, яъни аёл судьялар ҳам ишлашини таъминлаш ва ногиронлар одил судлов имкониятларидан бошқалар билан тенг асосда фойдаланишлари учун зарур шароитлар яратиш.

Ушбу тавсияларнинг аксарияти ўтган қисқа даврда амалга оширилган ва оширилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимининг навбатдаги босқичида белгилаб берган янги вазифаларнинг моҳияти ҳам БМТ Махсус маърузачиси-

нинг бу борадаги фикрлари билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Биз бу ўринда, хусусан, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 июлда қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни назарда тутаямиз. Фармонда белгилаб берилган вазифалар мамлакатимизда одил судловни тўла таъминлашга қаратилгани бежиз эмас.

Ушбу ҳужжатни имзолашдан мақсад Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтиришдан иборатдир.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида юз бераётган ижобий ўзгаришларга махлиё бўлиб, олдимизда турган муҳим ишлардан чалғиб қолмаслигимиз керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимиз суд-ҳуқуқ тизимидан рози, дейишга ҳали эрта.

Биргина мисол: сўнгги 3,5 йилда суриштирув ва тергов жараёнларида қийноқларга йўл қўймаслик бўйича жиддий ва ортга қайтмайдиган ислохотлар амалга оширилди. Аммо, афсуски, Андижон шаҳар ва Чироқчи туман ички ишлар идораларида яқинда содир бўлган фожиали ҳолатлар туфайли икки нафар инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Бундай нохуш ҳолатлар, бир томондан, қийноқ қурбонлари яқинларининг тизим раҳбарларидан эмас, давлатдан норози бўлишига олиб келмоқда. Иккинчи томондан, соҳадаги айрим ходимларнинг лоқайдлиги ва билимсизлиги кенг жамоатчилигимиз ва халқаро ҳамжамият кўз ўнгида ислохотларимизни обрўсизлантирмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республи-

касининг Миллий стратегияси доирасида инсон ҳуқуқлари институционал тизимини такомиллаштириш ва уни бажаришнинг мониторинг тизими шакллантирилмоқда. Яъни:

парламентимиз тарихида биринчи мартаба Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича парламент комиссиясини тузиш кўзда тутилмоқда;

Миллий стратегия ижроси мониторингини уч босқичда амалга ошириш белгиланмоқда.

Биринчидан, Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий вакиллик органлари вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Миллий стратегия ижро ҳолати юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш; *иккинчидан*, Миллий стратегия ижроси юзасидан ҳар олти ойда Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида вазирлик ва идораларнинг ахборотини тинглаш;

учинчидан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Миллий стратегияни амалга оширилиши юзасидан мунтазам мониторинг олиб бориши, шунингдек, доимий равишда батафсил ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириб бориши, ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилинишини таъминлайди.

Миллий стратегияда инсон ҳуқуқлари таълими масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, барча турдаги таълим муассасаларида «Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари» ўқув курсларини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Миллий стратегияда «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» кўкрак нишони таъсис этиш кўзда тутилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ҳар икки йилда ўтказиш масаласи ҳам ўрин олган.

Шу маънода, 2020 йил 12-13 август кунлари бўлиб ўтган ёшлар ҳуқуқларини тарғиб қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми нафақат мамлакатимиз ва минтақамиз, балки бутун сайёрамиз ёшларининг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлашга қа-

ратилгани билан ғоятда аҳамиятлидир.

Халқаро анжуманда «Ёшлар – 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари» номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Хужжатда, жумладан, ёшлар ҳуқуқлари ҳар ким фойдаланиши зарур бўлган, аммо айримлар ёшининг кичиклиги туфайли бундай имкониятдан маҳрум этилган ҳуқуқлар экани қайд этилган.

Самарқанд резолюцияси ҳозирги замон давлатларининг ривожланиши билан боғлиқ барча жараёнларда ёшларни янада кенг жалб этиш зарурлигини ҳар томонлама тасдиқлашга хизмат қилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форумининг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири шуки, мазкур халқаро анжуман ишида 30 дан ортиқ Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари вакиллари мамлакатнинг барча ҳудудларидан туриб иштирок этдилар.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳузурида янги ташкил этилган Ёшлар парламентлари вакилларининг фаоллигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ёшлар ташкилотлари ҳақида сўз борар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилганини ҳам қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 29 майда имзоланган «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришнинг таъсирчан тизимини яратиш бўйича ҳам тизимли ислоҳотлар амалга оширилаётганини тасдиқлайди.

Миллий стратегия доирасида 53 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, 37 та чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда 8 та халқаро шартнома-

ни ратификация қилиш – жами 98 та ҳужжат устида изчил иш олиб бориш белгиланган.

Хусусан, суд фаолиятига оид 5 та кодекс, яъни Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик кодекси, Жиноят-ижроия кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни янги таҳрирда ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Судьялар ҳамжамияти органларининг ҳуқуқий асослари ҳам шакллантирилади. Шунингдек, «Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида» ҳамда «Бепул юридик ёрдам тўғрисида»ги янги қонунлар ишлаб чиқилади.

Аммо, қонунларнинг қабул қилиниши, ўз-ўзидан одил судлов сифатини оширишга олиб келмаслиги бор гап. Шунинг учун Юртбошимиз бу борада муайян янги ташаббусларни илгари сурди.

Жумладан, ҳозирги кунда фаолият юритаётган судьяларнинг атиги 14 фоизи, яъни 147 нафарини аёллар ташкил этишини инобатга олган ҳолда, гендер тенгликка эътибор қаратиш лозим. Суд статистикаси ошқоралигини таъминлаш ҳам бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Давлат раҳбари қайд этганидек, ички ишлар идоралари маъмурий бинолари, жазони ижро этиш жойларига ўрнатилган барча кузатув камералари Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратига уланишини таъминлаш зарур.

Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиётини кенгайтириш давр талабидир. Дастлабки амалий қадамлардан бири – суд залида темир панжаралардан фойдаланишнинг бекор қилиниши бўлиб, бу ҳам инсонпарварлик тамойили амалда эканини кўрсатади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказга Омбудсман ва Тошкент давлат юридик университети билан бирга «Инсон кадр-қиммати – энг олий кадрият» махсус ўқув модулини ишлаб чиқиш вазифаси юкланди. Ушбу модул бўйича тасдиқланадиган аниқ жадвал асосида ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини ўқитиш ташкил этилади.

Судьялар олий мактабида «Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ» кафедрасини очиш за-

рурлигига эътибор қаратилгани ҳам таҳсинга лойиқ. Зеро, инсон ҳуқуқларини ўқитиш бу – нафақат халқаро мажбуриятларни бажариш, балки демократик, инсонпарвар ва халқпарвар суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Мамлакат раҳбари 2020 йилда аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг 8 мингдан зиёди ёки 44 фоизида судларда ишлар тўлиқ ва холис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани билдирилгани хусусида тўхталди. Айрим вилоятларда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар, маъмурий ва иқтисодий судлар устидан шикоятлар кўпайгани ташвиш уйғотмай қолмайди.

Шу нуқтаи назардан, парламент депутатлари ва сенаторлари ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ва жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, одил судловга кўмаклашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий мулоқотларни давом эттиришлари лозим.

Ўтган йили иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиғи, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Президентимиз ҳақли танқид қилганидек, бу – ҳар икки шикоятдан бири бўйича туман ва вилоят иқтисодий суди чиқарган қарорлар юқори судда ўзгараётгани, тадбиркор ва инвесторлар сарсон бўлаётганидан далолат беради.

Шу боис, суд ҳокимияти соҳасининг масъулариغا илғор тажрибалар ва халқаро стандартлар асосида суд тизимини «бир суд – бир инстанция» тамойили асосида қисқа фурсатда қайта кўриб чиқиш тавсия этилди. Бунда туман (шаҳар) ва вилоят судлари ҳамда Олий суд ваколатлари аниқ чегаралаб қўйилади. Туман ва шаҳарда ишлар фақат биринчи, вилоятда – апелляция, Олий судда эса, кассация инстанциясида кўрилади.

Эндиликда суд тизимида эскилик сарқити бўлган «назорат тартибида ишларни кўриш» амалиётидан тўлиқ воз кечилади. Зеро, бу амалиёт суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмаслиги унинг номидан ҳам кўриниб турибди.

Давлат раҳбари судьяларнинг адолатли қа-

рор қабул қилишларига таъсир ўтказадиган барча омилларни бекор қилиш зарурлигини қайд этди. Хусусан, Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш бўйича таклиф парламент палаталари томонидан кўриб чиқилмоқда.

Йиғилишда айрим судьялар қарор чиқаришда фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланмасдан, тергов материалларига боғланиб қолаётгани ҳам танқид қилинди. Бинобарин, бундай ҳолатлар қонун, суд ва давлат обрўсига путур етказди.

Бундан буён суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда мажбурий қайд этиш тизимини жорий этиш зарур. Токи, одил судлов халқнинг кўз ўнгида очиқ-ошқора амалга оширилиб, адолат қарор топсин.

Суд фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бугунги давр талабидир. Жорий йил якунига қадар Олий судда ягона «Адолат» ахборот тизимлари комплекси ишга туширилади. Бунда, барча учун судларга электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиш, тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш имконияти яратилади.

Суд фаолиятига аралашिशга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб таъкидлади Президентимиз. Судларнинг фуқаро ва тадбиркорлар фойдасига чиқарган қарорлари туфайли бирорта раҳбар уларга тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилса, ислохотларимизга хиёнат қилган бўлади.

Салоҳиятсиз, яъни билимсиз, тажрибасиз ва уқуви йўқ судья тобе ва қарам судьядан кўра ҳам хавфлироқдир. Шу маънода, суд ҳамжамиятининг маданиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга.

Судьялар олий кенгаши, айниқса, Судьялар олий мактаби фаолиятида шаффофлик ва холисликни таъминлаш лозим. Судьялар олий кенгаши таркибини ҳам халқаро стандартларга асосан такомиллаштириш тақозо этилади.

Бугунги давр ҳамда шиддатли ислохотлар суръати судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касб маҳкасини доимий равишда ошириб боришни талаб қилмоқда. Ўтган йили Судьялар олий мактабида судьяларнинг 12 фоизи, яъни 155

нафари ва суд ходимларининг 2,7 фоизи – 85 нафари малака оширган.

Бу ишларни янада кенгайтириш зарур. Бунда, коронавирус карантини шароитидан келиб чиққан ҳолда, масофавий таълимни йўлга қўйиш лозим. Зеро, суд тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва мунтазам малакасини ошириш – қонуний, холис ва одил судловнинг муҳим омилidir.

Одил судловни таъминлаш учун инсон ҳуқуқларини мустақил ва ишончли ҳимоя қилувчи яна бир муҳим тизим – адвокатура институтининг муносиб ўрни ва мавқеини таъминлаш даркор. Бинобарин, одил судловнинг ажралмас қисми бўлмиш ушбу институтнинг адолат қарор топишидаги ўрни бекиёсдир.

Маърузада ушбу соҳага тааллуқли бир қатор рақамлар келтирилди:

- Ўзбекистонда бугун 4 минг атрофида адвокат фаолият кўрсатмоқда;

- юртимиздаги 8,5 минг аҳолига ўртacha битта адвокат тўғри келади;

- адвокатларнинг 43 фоизи Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатмоқда;

- вилоятларнинг 20 та туманида бирорта ҳам адвокатлик фирмаси рўйхатдан ўтмаган.

Президентимиз бу йўналишда ҳам бир қанча вазифаларни белгилаб берди. Жумладан:

- адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан 2 йил юридик стаж талаб этиш бекор қилинади;

- талабаликдан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартиби жорий этилади;

- юридик олий ўқув юртларида «адвокатлик фаолияти» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

- давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга туширилади. Бу тизим дастлаб пойтахтимизда эксперимент тариқасида жорий этилади;

- ўта оғир жиноятда айбланаётган шахсларнинг иши бўйича, бундан ташқари, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқиладиган ҳолатларда ҳам адвокат иштирокининг мажбурийлиги белгилаб қўйилади;

- адвокатлик фаолияти жозибадорлигини ошириш, бу касб эгаларининг ҳимояси ва ка-

фолатини кучайтириш бўйича қонун ҳужжатлари пакети ишлаб чиқилиб, кенг муҳокама учун эълон қилинади.

Шу маънода, Миллий стратегия доирасида ишлаб чиқиладиган «Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда қуйидаги муҳим омиллар камраб олингани эътиборга молик:

- адвокатлик фаолиятини ташкил этиш, адвокатлар мустақиллиги кафолатлари ва уларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

- адвокатурани аҳоли ишончини қозонган институтга айлантириш, профессионал ҳуқуқий ёрдам сифатини ошириш ва адвокат касбининг нуфузини юксалтириш;

- шунингдек, суд жараёнида тенглик ва тортишув тамойилларини тўлиқ таъминлаш назарда тутилади.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги тергов сифати ва ходимлар малакаси талабга жавоб бермаслигини танқид қилди.

Мисол учун, жорий йилнинг 5 ойида тергов органлари асоссиз айб қўйган 323 нафар фуқаро судлар томонидан оқланган, 1 минг 854 нафар шахсга нисбатан қўйилган асоссиз айбловлар олиб ташланган. Ўтган йилнинг ўзида 236 нафар оқланган шахсга давлат ҳисобидан 6,7 миллиард сўмлик моддий ва маънавий зарар тўлаб берилган.

Ҳуқуқ-тартибот идораларида ишларнинг терговга алоқадорлиги бузилиб кетгани қаттиқ танқид остига олингани бежиз эмас. Хусусан, шундай жиноят турлари борки, уларни ҳар қандай тергов идораси тергов қилиши мумкин бўлса, айрим моддалар эса қайси тергов органига мансублиги қонунда кўрсатилмаган.

Шунингдек, 2018-2019 йилларда биринчи инстанция судларида жами 192 та жиноят иши бўйича 307 нафар шахс оқланган. Шунга қарамай, ҳеч қайси ҳолатда прокурор айбловдан воз кечмагани ажабланарлидир.

Президентимиз уқтирганидек, эндиликда тергов жараёнидаги хатолар суд мажлисида аниқланса, прокурор суднинг тугашини кутиб ўтирмасдан, ўз ташаббуси билан айбловдан воз кечадиган тартиб жорий этилиши лозим.

Миллий стратегияда прокуратура органлари фаолиятини халқаро стандартларга асосан такомиллаштириш кўзда тутилган. Бунда:

биринчидан, халқаро стандартларга мувофиқ прокуратура фаолияти устидан назорат механизмларини мукамаллаштириш;

иккинчидан, прокуратура фаолиятининг шаффофлиги ва унинг жамият олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш, прокурорлар ма-лакасини узлуксиз ошириш;

учинчидан, прокуратура тизими бошқарувида коллегиял органлар ролини кучайтириш назарда тутилган.

Кейинги даврда суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар муурожаатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан, шунингдек қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Шу боис, Давлатимиз раҳбари 2020 йил 10 августда «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга қўл қўйди.

Фармонга асосан халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланди:

биринчидан, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, суд-тергов фаолияти сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фош этиш борсидаги фаолиятини янада такомиллаштириш билан бирга, содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш;

учинчидан, шахсга нисбатан қийноққа

солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш;

тўртинчидан, жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, жумладан, «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизимини ҳамда айрим тергов ҳаракатларини видеоконференц-алоқа режимида ўтказишни таъминлаш.

Шунингдек, прокурор-криминалист лавозимини жорий қилиш, тергов соҳасида ма-лакали кадрларни тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасасини ташкил этиш орқали суриштирув ва дастлабки тергов органларининг кадрлар салоҳиятини ошириш;

бешинчидан, жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатқўйлик руҳини шакллантириш механизминини жорий қилиш.

Мазкур ҳужжатни тасдиқлашдан мақсад мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштиришдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ва шиддатли ислоҳотлар Конституция устуворлиги, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш, тергов устидан суд назоратини кучайтиришга қаратилган муҳим тарихий қадамлар бўлиб, мамлакатимизда одил судловни тўла таъминлашга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одил судловсиз эса, коррупция авж олиб, инсон ҳуқуқлари поймол бўлаверади, инвестор, тадбиркор, одамлар давлатга ишонмай қўяди.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



А. МАХКАМОВ,
жиноят ишлари
бўйича Қашқадарё
вилоят суди раиси

Ўтган йилларда юртимизда суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, судларнинг холислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида, судлар фаолияти босқичма-босқич такомиллаштирилиб, судьялар ҳамжамиятининг роли ошмоқда.

Суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланганлиги ва бевосита Президентимизнинг эътиборида эканлиги эътирофга моликдир.

2020 йил 30 июнь куни Президент раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши кураш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида суд тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича ўз ечимини кутаётган бир қатор муҳим ва долзарб масалалар кўрсатиб берилганди.

Жорий йилнинг 24 июль куни Президентимиз томонидан имзоланган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6034-сонли Фармон ушбу масалалар ечимини топишга қаратилгани тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Хусусан, Фармон билан 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилади. Бу эса, ҳудудларда ягона суд амалиётини шакллантиришга, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ортиқча оворагарчилигининг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, туман (шаҳар) маъмурий судлари ўрнида туманлараро маъмурий судлари ташкил этилади ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади. Бу, ўз навбатида, маъмурий судларнинг муайян тумандаги маҳаллий ҳокимият органларининг турли

тазйикларидан холи бўлишига, мустақил фаолият олиб бориб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан суд орқали ишончли ҳимояланишларига замин яратади.

Бундан ташқари, Фармон билан прокурорнинг судда иштирок этиши тартиби илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Янги амалиёт, яъни давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни чақириб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш назарда тутилмоқда. Бу эса, судда тортишув ва тенглик принципларини амалда рўёбга чиқаришга замин яратади.

Фармоннинг яна бир эътиборга молик томони ортиқча суд инстанцияларини бекор қилиш йўли билан «бир суд – бир инстанция» тамойили жорий қилинишидир. Бу тамойил халқаро тажрибада синалган, умумэътироф этилган энг мақбул тизим деб эътироф этилади. Бу билан ишларни кўриш биринчи инстанция – туманлараро, туман (шаҳар) судлари; иккинчи инстанция – апелляция (вилоят судлари) ва учинчи инстанция – кассация (Олий суд) билан яқунланади. Натижада фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг низолари битта судда ҳал бўлишига эришилади.

Фармонда Олий суд тузилмасида инвес-

тициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибини ташкил қилиш ва судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилмоқда. Бу эса, инвесторларда ўз ҳуқуқларини суд орқали кафолатлай олишига бўлган ишончнинг ортишига ва бу билан мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга замин яратади.

Фармонда судьялар мақомини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, барча судьялар ва суд аппарати ходимларининг иш ҳақи ва қўшимча тўловларини тўлиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, судьяларга нисбатан интизомий иш фақат судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан қўзғатилишини назарда тутган ҳолда, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги, интизомий иш қўзғатиш ва кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилиб, судьялар ваколатини тўхтатиб туриш, тугатиш асослари ва тартиби янада аниқлаштирилмоқда.

Фармонда назарда тутилган вазифаларни бажариш юзасидан қабул қилинадиган қонунлар одил судлов самарадорлигини янада оширишга, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда тўлиқ ҳимоя қилишга, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

ОДИЛ СУДЛОВ – ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар қанчалик самарали ва сифатли бўлса, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам шунчалик ишончли ва кафолатланган бўлади.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга кенг ўрин берилгани бежиз эмас. Ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш каби муҳим вазифалар кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6034-сонли Фармонида суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиққанлиги қайд этилган. Шу билан бирга, суд ҳимоясини таъминлашда ортиқча бюрократик тўсиқлар ҳанузгача сақланиб қолаётганлиги, амалдаги процессуал қонун ҳужжатларида суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорлов-

чи босқичлари мавжудлиги, айниқса, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқа шу каби бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кескин танқид қилинган ва ушбу камчиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини, судлов ишларини юритиш жараёнларини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш билан боғлиқ бир қанча долзарб вазифалар белгилаб берилган бўлиб, юқоридаги Фармон ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Жумладан, Президентимиз 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасига оид ислоҳотлар ҳақида тўхталиб, бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтлар-

ни шакллантиришга боғлиқ эканлиги, суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келганлиги, эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб ўрганиш амалиётини чеклаш лозимлиги ва энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкинлиги, Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозимлиги, соҳага оид баъзи кодексларни янгидан қабул қилиш ва қонунчиликни янгилашдан мақсад – ушбу қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозимлигини алоҳида уқтириб ўтган эди. Фармонда айнан шу масалалар ижросига оид асосий қоидалар, йўналишлар ва кўрсатмалар акс этган.

Фармоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судлов тизими самарадорлигини ошириш билан боғлиқ асосан иккита йўналиш бўйича ўзгаришлар бўлиши белгилаб берилган. Биринчиси, судлар фаолиятини янада такомиллаштириш, иккинчиси эса, одил судлов самарадорлигини ошириш.

Судлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан белгиланган вазифалар асосан қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб қатор ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилиши, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий суд-

лар негизида тегишли ҳудудлар умумюрисдикция судларини ташкил этиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш, судьяларга Олий суд ва вилоят судлари қошидаги судьялар малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқини бериш;

иккинчидан, Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибини тузиш;

учинчидан, Олий суд тузилмасида, Олий суд аппарати раҳбари лавозимини жорий этиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармасини тузиш;

тўртинчидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматларини жорий этиш;

бешинчидан, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказини тугатиш ва шу ҳисобдан бўшаётган 9 та штат бирликлари негизида Олий суд тузилмасида Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини тузиш;

олтинчидан, «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

еттинчидан, судларнинг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Шунингдек, Фармон билан 2021 – 2025 йилларда судларнинг бинолари ва хоналарини қуриш ҳамда реконструкция қилиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ва уни тизимига қирувчи қуйи судларнинг тузилмалари, намунавий тузилмалари ҳам тасдиқланди.

Иккинчи йўналиш, яъни, одил судлов самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари

ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида Фармонда амалдаги процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, судларда судлов ишларини юритиш билан боғлиқ қўидаги янги тартиб-қоидалар 2021 йил 1 январдан бошлаб амал қилиши белгилаб берилди:

биринчидан, суд ишларини назорат тартибда кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибда протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;

иккинчидан, жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш;

учинчидан, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибда қайта кўриб чиқиш тартибини жорий этиш;

тўртинчидан, апелляция тартибда кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда қайта кўриб чиқиш тартибини жорий этиш;

бешинчидан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда, реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш тартибини жорий этиш;

олтинчидан, прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал

қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар муурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш тартибини жорий этиш;

еттинчидан, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш ва бошқалар.

Мазкур йўналишдаги асосий вазифа судларда ишларни кўриб чиқишда «бир суд – бир инстанция» тамойилини жорий этишдан иборат бўлиб, амалдаги тўрт босқичли суд тизимидан воз кечилиб, халқаро стандартларга мос келадиган уч босқичли суд тизимига ўтилади, яъни халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган назорат инстанцияси тўлиқ бекор қилинади.

Россия Федерациясида «бир суд – бир инстанция» тизимини жорий этиш бўйича ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишга киришилган. Жумладан, арбитраж судларида бу тизим тўлиқ жорий этилган бўлса, 2018 йил 29 июлдаги Қонун билан ушбу тамойил асосида умумий юрисдикция кассация судлари ва умумий юрисдикция апелляция судлари ташкил этилган. Бу эса, ушбу жараёндаги коррупциявий омилларнинг бартараф этилишига, тарафларнинг судга шикоят қилиш институтининг самарадорлигини ошишига, буғунги кунда амалиётда вужудга келадиган айрим тушунмовчиликлар ва шикоятларни нотўғри расмийлаштириш билан боғлиқ сарсонгарчиликларнинг бартараф этилишига сабаб бўлади.

Фармонда қайд этилган муҳим янгиликлардан бири – Олий суд тузилмасида янги судлов таркиби, яъни Инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибини тузиш ма-

саласининг қўйилганлигидир. Маълумки, сўнгги пайтларда иқтисодий либераллаштириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, соғлом рақобатни кучайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш бўйича қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилган ва амалий аҳамиятга молик улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, улар фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб ва ҳозирги пандемия шароитини ҳисобга олган ҳолда иқтисодийга хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг барча чораларини кўриш, бунга тўсиқ бўладиган коррупцион ҳолатларни кескин бартараф этиш вазифалари долзарб бўлиб турибди.

Муҳтарам Президентимиз ҳам 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида айнан ушбу масалалар ҳақида тўхталиб, халқаро тажрибани чуқур ўрганган ҳолда рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш, жаҳон ишлаб чиқариш тизимида, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлиш, мулоқот ва рақобатга тайёр туриш, Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингига энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни кўриш лозимлигини

алоҳида таъкидлаб, уларнинг амалий ижросини самарали ташкил этиш билан боғлиқ 2020 йил ва ундан кейинги яқин йиллар ичида бажарилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб берган эди.

Фикримизча, Фармон билан алоҳида судлов таркиби тузилганлигини ҳам қайд этилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган самарали чоралардан бири, деб ҳисоблаш мумкин. Бундай таркибнинг тузилиши хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон суд тизимида бўлган ишончини кучайтиришга, жозибador инвестицион муҳитни ва чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратишга, мураккаб тоифадаги ишлар сирасига кирувчи инвестицион ва рақобатга оид ишларни ҳал этиш бўйича ягона суд амалиётининг шаклланишига, ишни кўриш сифатининг ошишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Фармон юртимизда демократик жараёнларни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинлари ҳимоясини кучайтириш, ҳуқуқий ислохотларни жаҳон стандартларига мос ҳолда амалга ошириш, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш, қонунга ва судга нисбатан ҳурматда бўлиш муносабатини шакллантириш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат сифатида тарих зарварақларига муҳрланиб қолади.

С. ХОЛБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
академиясининг Судларда
прокурор ваколатини
таъминлаш кафедраси
катта ўқитувчиси,
юридик фанлар номзоди

ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАР КАФОЛАТИ



А. МУРОДОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Олий суди судьяси

Кўпгина хорижий давлатлар қаторида, Ўзбекистон Республикасида ҳам маъмурий иш юретишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқаролар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида самарали назорат ва мувозанат тизимини яратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи тузилмалар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали механизмлари маъмурий процедуралар ва маъмурий суд ишларини юретиш (маъмурий судлов) ҳисобланади. Айнан шу институтлар зиммасига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, улар ўртасидаги мувозанат тамойилини амалга ошириш ва-зифаси юклатилган.

Мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4966-сонли Фармони билан боғлиқ.

Жумладан, мазкур Фармон 8-бандининг иккинчи хатбошисига кўра, 2017 йил 1 июндан бошлаб оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) маъмурий судларини ташкил этиш белгилаб берилди ва том маънода маъмурий судларга асос солинди.

Маъмурий судлар томонидан қисқа давр мобайнида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судлов ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Буни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 2019 йилда 1 255 та, 2020 йилнинг биринчи ярми давомида 654 та қарори суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши қисқа муддатда ўзини тўлиқ оқлади.

Аммо, маъмурий судлар фаолияти ҳам миллий ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда доимий такомиллаштирилиб борилиши тақозо этилади. Хусусан, бугунги кунда маъмурий судлар фаолиятида қуйидаги муаммолар учрайди:

биринчидан, туман микёсида маъмурий судлар шу туман ҳудудидаги маҳаллий ҳокимият органларидан мустақил фаолият юритишда қийинчиликларга дуч келмоқда;

иккинчидан, оммавий ҳуқуқий низоларни кўришга ихтисослашган маъмурий судларга табиатига кўра бир-бирига зид бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриш ҳам юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш вазифалари қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сонли Фармони билан 2021 йил 1 январдан бошлаб:

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларни ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши белгилаб берилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатининг жиноят ишлари бўйича судларга олиб берилиши жуда тўғри ва адолатли бўлади. Чунки жиноят ишлари бўйича судлар судьялари доимий равишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб келган ҳудудда жиноятчиликнинг ҳақиқий ҳолатини тўғри баҳолай олади.

Бошқа низолардан фарқли равишда маъмурий судлар томонидан кўриладиган оммавий ҳуқуқий низоларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу низоли муносабат иштирокчилари ҳуқуқий жиҳатдан тенг эмас. Яъни, бундай низоларда иштирок этувчилардан бири ҳокимият функцияларига эга.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган Фармонида мувофиқ, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган туманлараро маъмурий судларининг ташкил этилиши қонун устуворлиги ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси бўлади.

СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сонли Фармони мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамиятининг ролини оширишга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди.

Қайд этиш жоизки, айтилган пайтда суд ҳимоясини таъминлашдаги ортикча бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, ҳалигача суд қарорларини қайта кўришни бир-бирини такрорловчи босқичлари сақланиб қолаётгани, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмагани суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этаётган эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда одил судловни таъминлаш борасида изчил ислохотлар олиб борилди. Хусусан, ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд ва Олий ҳўжалик суди суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди. Ҳудудларда маъмурий судлар ва иқтисодий судлар фаолияти йўлга қўйилди. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш масаласи пар-

ламентнинг доимий эътиборида бўлиши учун Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссияси ташкил этилди.

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда очик, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди. Илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида биринчи марта судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилинди. Суд тизими ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Судларни моддий-техник жиҳатдан таъминлашни мустақил ҳал этиш учун эса, Олий суд ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти тузилди.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, даъво аризаларини электрон рўйхатдан ўтказиш, процессуал муддатларга риоя қилиниши устидан онлайн мониторинг қилиш имкониятини берувчи электрон база, суд мажлисларини тўғридан-тўғри онлайн узатиш имкони яратилди.

Шу билан бирга, барча соҳа ва тизимларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги фаоллиги кундан кунга кенгайиб, мулкдорлар сони ошиб бораётганлиги суд-ҳуқуқ тизимини ҳам янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар томонидан жорий

йилнинг июнь ойида жойларда олиб берилган мулоқотлар давомида суд ишларида ортикча бюрократиянинг сақланиб қолаётгани, суд қарорларини қайта кўришда такрорловчи босқичлар мавжудлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар соҳа мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари томонидан кўп бора таъкидланган эди.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг жорий йил 24 июль куни қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони айнан ана шундай муаммоларга ечим бўлди, десак хато бўлмайди.

Хусусан, Фармон билан 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этиладиган бўлди. Бу эса, жойларда ягона суд амалиётини шакллантиришга, судларнинг тарқоқлиги туфайли фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олдини олишга хизмат қилади.

Эндиликда туман (шаҳар) маъмурий судлари ўрнида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади. Бу, ўз навбатида, маъмурий судларнинг муайян тумандаги маҳаллий ҳокимият органларининг турли тазйиқларидан холи ва мустақил фаолият юритиши, яъни фуқаролар ва тадбиркорларни давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан суд орқали ҳимоялаш учун янада қулай ша-

роит яратади.

Фармон билан прокуратура органларининг ваколатларига оид муҳим ўзгаришлар ҳам киритилмоқда. Хусусан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра, жиноят ишини тугатиш, прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш ҳамда қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Маълумки, шу кунгача прокуратура органлари томонидан судларнинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни турли сабаблар билан суддан чақириб олиш амалиёти мавжуд бўлиб, бу биринчидан, ишнинг тарафлар эҳтиёжидан келиб чиқмаган бўлса, иккинчидан, бундай ваколат ишда тарафлар ҳуқуқини ҳимоя қилаётган адвокатларда мавжуд эмаслиги сабабли прокурор ваколатини адвокатларга нисбатан устунроқ мавқеига олиб чиқарди.

Ушбу ўзгариш адолатни таъминлаш, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди, албатта. Эътиборлиси шундаки, Фармон билан ортикча суд босқичларини бекор қилиш орқали «бир суд – бир инстанция» тамойили жорий этиладиган бўлди. Яъни, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини эса Олий суд томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар

бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра, кассация тартибида такроран кўриб чиқиш назарда тутилмоқда. Суд ишларини назорат тартибида кўриш институти эса тугатилмоқда. Бундай тартибнинг ўрнатилиши натижасида судда ҳар бир иш бўйича якуний тўхтамга келиш орқали суд қарорларининг барқарорлиги таъминланади ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олди олинади.

Соддароқ айтганда, юқорида таъкидланганидек, биринчи инстанция судлари фақат биринчи инстанция сифатида ишни кўриб чиқади. Авваллари вилоят суди айрим ишларни биринчи инстанция сифатида ҳам кўриб, унинг устидан келиб тушаётган шикоятларни апелляция ва кассация инстанциясида ҳам кўрар эди. Энди туман суди кўрган масалани вилоят суди апелляция инстанциясида, вилоят суди биринчи инстанция сифатида кўрган аризани Олий суд судлов таркиби апелляция инстанцияси сифатида кўради.

Айрим статистик маълумотларга эътибор қаратсак: кейинги 3 йил давомида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасида ўтказилган ислохотлар натижасида 2 273 шахс оқланган, бу жамиятимизда адолат қарор топаётгани ва қонун устуворлигидан далолат беради, албатта.

Тан олиш жоизки, илгарилари оқлов тушунчасига судьяларнинг ўзлари ҳам таъриф беришга ожизлик қиларди.

Маълумки, судда муайян иш, низони тўғри ва адолатли ҳал этишда судьянинг асосий «иш қуроли» ва «таянчи» қонун бўлади. Шундай экан, Олий суд Конституция билан берилган қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан самарали фойдаланиши одил судловни таъминлашда ўзининг ижобий натижасини беради. Фармонда Олий суд тузилмасида Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун-

чилиқни таҳлил қилиш бошқармаси тузилиши ҳам кўзда тутилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу эса, Олий суднинг қонун ижодкорлиги жараёнида янада кўпроқ ва профессионал тарзда иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу тузилма орқали эса, суд ва парламентнинг ўзаро ҳамкорлиги кучайишига ҳам мустаҳкам замин яратилади.

Самарали суд тизимига эга бўлишимиз нафақат қонун устуворлигини таъминлаш ва адолат ўрнатишга кўмаклашади, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам юксак самара беради. Мулкни ва мулкдорни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг мулк ҳуқуқини чеклашга қаратилган ҳар қандай уришнинг олдини олади, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини оширади, фуқароларнинг эса ўз шахсий бизнесини ривожлантириш ва кенгайтиришга бўлган ишончини янада кучайтиради.

Ўзбекистонда судларнинг иши жамият учун шаффоф ва очик, шу билан бирга, ҳолис бўлиши керак. Ҳолислиқни таъминлаш учун эса, жамоатчилик вакилларининг суд ишини юритишда иштирок этишини таъминлаш ҳамда судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш муҳимдир.

Мухтасар айтганда, Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони жамиятда адолат барқарорлигини таъминлаш йўлидаги сайъ-ҳаракатлар учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади.

И. НАСРИЕВ,
юримик фанлар доктори,
профессор

ОҚЛОВ ҲУКМИ ЧИҚАРИШ УЧУН АСОСЛАР



Х. ҚУДРАТОВ,
жиноят ишлари
бўйича Сурхондарё
вилоят суди раиси

Ўзбекистонда суд тизимида кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда.

Мухтарам Президентимиз 2020 йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши кераклигини таъкидлади.

Маълумки, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Судда кўрилган ёки кўрилатган ишларни кўшимча терговга юбориш амалиётига бутунлай чек қўйилди. Жиноят кодексидаги бунга имкон берувчи модда чиқариб ташланди. Судларда адолатли қарорлар қабул қилиш, айниқса, оқлов ҳукмлари чиқаришга монелик қиладиган тўсиқлар бартараф этилгач, судьялар эркин фаолият юрита бошлади. Судларнинг мустақил, эркин фаолият олиб боришини таъминлаш борасида қўйилган дастлабки қадамлар ўз натижасини бераётганини ўтган вақт мобайнида оқланган шахслар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 июль куни «Судлар фаолиятини янада

такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6034-сонли Фармонни имзолади. Унда тизимни такомиллаштириш, одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган бир нечта ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар назарда тутилган.

Фармонда фуқаролар ва юридик шахсларга қулайлик яратиш ва улар оворагарчилигининг олдини олиш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб суд тизимига «бир суд - бир инстанция» тамойилини жорий этиш ва шу билан боғлиқ суд тизимида бир қатор ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, шунингдек судларда ишни кўриб чиқиш босқичларини янада соддалаштириш орқали самарали суд тизимини яратиш чоралари белгиланди. Хусусан:

вилоят даражасидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар бирлаштирилиб, уларнинг негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда ягона умумюрисдикция судларини ташкил этиш;

илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда республикада самарали маъмурий одил судлов тизимини яратиш, бунда:

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиб, уларнинг негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этиш белгилаб қўйилди.

Судда ишларни кўришда инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг тортишуви тамойилини амалда рўёбга чиқариш мақсадида жиноят ишлари бўйича судларда дастлабки эшитув институтини жорий этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда ишни судга тайинлаш жараёни-

да 7 сутка ичида судья мазкур масалани ҳал этиши мумкин бўлади.

Прокурорнинг судда иш кўрилиши жараёнида иштирок этиши тартиби илғор халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Жумладан:

прокурор суд жараёнида айбловдан воз кечган тақдирда, реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш;

прокурор томонидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан ишни ўрганиш учун чақириб олиш;

прокурорнинг фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида ўз ташаббуси билан иштирок этишини чегаралаш назарда тутилмоқда.

Ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали суд тизимига «бир суд - бир инстанция» тамойилини жорий этиш. Хусусан:

суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш; туман судларининг қарорларини вилоят судлари томонидан, вилоят судларининг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида кўриб чиқиш;

апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқиш;

Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарларининг протестига кўра, кассация тартибида кўриб чиқиш тартиби жорий этилади.

Фармон суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичларини бекор қилишга, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлишини таъминлашга, шунингдек суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга ҳам хизмат қилади.

Бугунги кунда судлар асосий эътиборини фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалда қафолатли ҳимоя қилиш орқали уларнинг ишончини мустаҳкамлашга, адолат

ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратмоқда. Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти, туман (шаҳар) судларининг жорий йилнинг ўтган давридаги фаолияти натижалари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида реабилитация учун асослар белгиланган бўлиб, иш кўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса, у айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим.

2017–2019 йиллар ҳамда 2020 йилнинг 1-ярмида жами инстанцияларда 260 нафар шахс оқланган.

Жумладан, шундан 2017–2019 йилларда Жиноят-процессуал кодекси 83-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли 165 шахс, 83-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли 25 шахс, 83-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли 12 шахс;

2020 йилнинг 1-ярмида жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судлари томонидан Жиноят-процессуал кодекси 83-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли 41 шахс, 83-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли 15 шахс, 83-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли 2 шахс барча инстанцияларда оқланди ва уларга тегишли бўлган жиноят ишлари тугатилди.

Оқлов ҳукми юқори суд томонидан фақат прокурорнинг апелляция ёки кассация протести, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг шикояти ёхуд оқланган шахснинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакили-

нинг апелляция ёки кассация шикоят, шунингдек жабрланувчининг ёхуд унинг вакилининг, оқланган шахснинг шикояти ёки назорат тартибида берилган протест бўйича бекор қилиниши мумкин.

Суд амалиётига мурожаат қиламиз. Биринчи инстанция судининг 2016 йил 19 майдаги ҳукмига кўра, Б.Қ. Жиноят кодекси (ЖК) 167-моддаси учинчи қисмининг «а» банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида, ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, узил-кесил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.Қ. 2014 йил 2 октябрь кунидан «Бойсун омухта ем» бирлашмаси раиси лавозимида ишлаб келиб, бирлашманинг 122483000 сўм пулларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айбланган.

ЖКнинг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган. Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 22-моддасига мувофиқ иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши керак, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим, ушбу Кодекснинг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни барга-раф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги белгиланган. Жумладан, кодексда иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчков-

лик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозимлиги, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо бериши, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши қатъий белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарорининг 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган. Бу каби қонуний талабларга риоя этилмаганлиги сабабли, Б.Қ. га нисбатан чиқарилган биринчи инстанция судининг айблов ҳукми бекор қилиниб, у айбсиз деб топилиб, оқланган.

Б.Қ.га реабилитация қилиниши муносабати билан унга етказилган мулкӣ, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш масаласида судга даъво талаби билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида суд тизимида рўй бераётган ўзгаришлар, аввало, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИШДА ТОРТИШУВ ТАМОЙИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Кейинги уч-тўрт йил мобайнида мамлакатимизда барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ йўналишида ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда ҳимоя қилиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу одил судловни таъминлаш учун давлатимиз томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар Олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг таклифлари маъқулланди. Чунончи, мазкур Фармонда бундан кейин жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя қилган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш институтини жорий қилиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 49-боби Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашга бағишланган бўлиб, ушбу бобнинг 395–405-моддаларида судлар томонидан бажарилиши лозим бўлган барча процессуал ҳаракатлар белгилаб берилган. Жумладан, ЖПКнинг 396-моддасида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган етти халат кўрсатилган бўлса-да, амалда баъзан судлар томонидан ушбу талаблар тўла-тўқис бажарилмайди. Ушбу нормада белгиланган талабларни бажариш учун судья, биринчи навбатда, жиноят иши билан

танишиб чиқиши зарур.

Эндиликда жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичини такомиллаштирилаётганлиги, яъни ушбу босқичдаги қарорларни бевосита тарафларнинг иштирокида қабул қилинишини белгиланиши келажакда судьяни фақатгина прокурор тасдиқлаган айблов ҳулосаси билан танишиш билан чегараланиб қолмасдан айбланувчининг қилмишига ҳуқуқий баҳо беришга жиддий таъсир қилувчи иш материалларида мавжуд ҳолатларни ўрганишга ва баҳо беришга олиб келади.

Шунингдек, дастлабки эшитув босқичининг жиноят процессуал қонунчиликка янги институт сифатида киритилиши дастлабки тергов томонидан йўл қўйиладиган ва ҳимоячининг ҳақли эътирозига қарамадан номақбул далилларни суд мажлиси муҳокамасига олиб чиқилмасдан олдин филтрлайдиган босқич бўлади, деб умид қиламан.

Амалдаги ЖПК 396-моддасининг 7-бандига асосан айблов ҳулосаси ёки айблов даллатномаси ушбу Кодекснинг талабларига мувофиқ тузилганлиги ёки тузилмаганлигини текшириш жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар сирасига қиради. Ишни олиб бораётган терговчи (суриштирувчи) баъзи ҳолларда шахснинг айбини енгиллаштирувчи ёки инкор этувчи далилларни, гувоҳларнинг кўрсатувлари ёки бошқа материалларни процессуал талабларга риоя қилган ҳолда олиб расмийлаштирилган ва жиноят иши материалларига қўшиб қўйган бўлса-да, айблов ҳулосасида уни кўрсатмайди.

Амалиётда аксарият ҳолларда айблов ҳулосасида айбланувчининг жиноят содир қилганлигини тасдиқловчи бир нечта гувоҳларнинг кўрсатувлари тўлиқ кўрсатилиб, қолган гувоҳлар ҳам шунга ўхшаш кўрсатув берганлар деб уларни исм-шарифини кўрсатиш билан чегараланилади. Аммо, иш материалларини

синчиклаб ўрганган ҳимоячи баъзида улар ўртасида жиддий тафовутлар мавжудлигига ёки бўлмаса, тафтиш далолатномаси ёхуд экспертиза хулосалари бир-бирини инкор қиладиган ҳолатга яқин бўлса-да, терговчи албатта шахсни айблайдиган хулосаларнинг айна айблов хулосасига киритиб, қолганларини унда акс эттирмаганлигига гувоҳ бўлади. Шунингдек, юзлаштириш баённомасида акс эттириладиган айрим ҳолатлар фақат айблов йўналишида талқин қилиниб, шахнинг айбини исботловчи далил сифатида қўллаш амалиёти мавжуд. Бундан ташқари, айбланувчининг фойдасига ён босадиган гувоҳларни атайлаб сўроқ қилмаслик ёки айбини енгиллаштирувчи ёхуд рад қилувчи ҳужжатларни иш материалларига қўшмаслик сингари ҳолатлар ҳам амалиётда ҳанузгача учраб туради.

Шу боис, янги жорий этилаётган дастлабки эшитув босқичини қонунчиликка киритилиши юқорида баён этилган ноҳолисликларнинг олдини олишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

ЖПКнинг 25-моддасида жиноят процессининг асосий принциплари сифатида судда ишларни юритишда тортишув тамойилининг амал қилиши, яъни биринчи инстанция судининг суд муҳокамасида, шунингдек ишлар юқори судларда қўрилаётганда давлат айбловини қўллаётган прокурор билан шахсни ҳимоя қиладиган адвокат (ва /ёки судланувчи) ўртасида ўзаро тортишув (бахс, мунозара) принципнинг амал қилиши белгиланган. Бундан кейин бу принцип ишни суд мажлисида қўриб чиқишни бошлашдан аввал дастлабки эшитув босқичида ҳам амал қилиниши Фармонда белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, жиноят процесси ва суд иш юритишда, шу жумладан, судга қадар иш юритишда адвокатнинг процессуал мақоми халқаро андозаларга унчалик жавоб беравермайди, айблов ва ҳимоя тамойилларининг ҳуқуқий ҳолати тарафларнинг тортишув принципларида баъзида номуносибликка олиб келади, бу – масаланинг бир томони. Иккинчи томони шу билан изоҳланадики, амалдаги қонунчиликда адвокатларга берилган ҳуқуқлардан ҳам тўлақонли фойдаланишда терговчи, прокурор, судьялар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қў-

йиладиган айрим тўсиқлар мавжуд. Масалан, тарафлар тенг деймиз: бир томондан формал тенг, у ҳам бўлса, суд босқичида. Унинг салмоғи, ишга баҳо бериш, қайси томонга қўпроқ ён босиш ва келажакда қайсисининг қўпроқ таъсири бўлиши нуқтаи назаридан баҳо бериладиган бўлса, ундай эмас... Аслида суд жараёнида судья футбол ўйинида ҳакамлик қиладиган арбитр вазифасини бажариши керак, яъни рақиблар бир-бирига қанча гол уради, ўйин қоидадини бузмаяптимикин... Албатта, ортиқроқ гол урган жамоа ғолиб бўлиши зарур. Ушбуни жиноят процессида қиёслайдиган бўлсак, прокурор ва ҳимоя томонидан тақдим қилинаётган далилларни суд мақбул ёки номақбул деб топиб, тааллуқли ёхуд тааллуқли эмаслигига қараб ҳар бир далилга қонунийлик ва адолат нуқтаи назаридан ёндашиб, ЖПК талаблари ва соҳага оид халқаро нормалардан келиб чиқиб қарор қабул қилиши лозим.

Жамиятда юз бераётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий жараёнларнинг шиддати дастлабки эшитув босқичи институти келажакда янада такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шу боис, жиноят процессида тарафлар тортишуви тамойилини янада кенгайтириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

қонунчиликда тергов судьяси институтини жорий қилиш ва дастлабки тергов устидан суд назоратининг ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Қуйидагилар тергов судьясининг жараёндаги вазифаси бўлиши лозим:

а) ҳимоячи ва давлат айбловчиси иштирокида ишни дастлабки муҳокама қилиш;

б) процессда тарафлар бўлган ҳимоячи ва давлат айбловчиси томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларни уларнинг иштирокида текшириб баҳо бериш;

в) тарафлар томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларни далил ёки номақбул далил, деб эътироф этиш масаласини ҳал этиш.

г) суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қабул қилган қарорлари юзасидан манфаатдор шахсларнинг шикоят ва аризаларини қўриб чиқиш.

Бу амалиёт Европа давлатларида, хусусан, Францияда бор. Масалан, дераздан

ошиб тушаётганда, уни мана бу гувоҳ кўрган экан, деб терговчи прокурорга олиб боради. Қарши тараф эса, мана доктордан маълумотнома олдим, гувоҳнинг кўзи яхши кўрмас экан. Ўша куни симёғочда чироқ йўқ экан, расмга тушириб келдим, бундан ташқари, Самарқандга кетган экан, мана чиптаси. Бу аслида йўқ гувоҳ ва уни терговчининг ўзи ёзиб кўйибди, дейди.

Сохта гувоҳ чақирилиб, сўралса, ҳа, девордан сакраб ўтган сариқ кийимли одамни кўрдингми, деб сўради, мен шунга ўхшаган одам бўлса керак, деб ўйладим-да, кўл кўйиб бердим, дейди. Терговчи ўзига керакли жойни ўқиб берган бўлади, гувоҳ сифатида жалб қилинган шахс аксарият ҳолларда охиригача ўқиб ҳам кўрмасдан ёки ўз кўрсатувини қоғозда қандай мазмунда ифодаланганлигини тушуниб етмасдан гўёки тўғри, деб кўл кўяди. Ушбу ҳужжат судга тўғридан-тўғри далил сифатида кетаверади. Гувоҳдан қандай мазмунда кўрсатув олиш, уни қайси томонга буриш кенг ваколатга эга профессионал терговчининг қўлида-ку! Айблов хулосаси ҳам баъзан худди шу тарзда тузилади. Юқорида баён этилган таклифлар қонунчиликка киритилса, ҳар қалай суд мажлисида адвокат томонидан киритилган далилларни номақбул деб топиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш пайсалга солинмасдан ёки рад қилинмасдан ишни қонуний ва адолатли кўриб чиқилишига ёрдам беради ва айрим ҳолларда шахсга нисбатан тўпланган сохта далиллар ёки атайлаб қалбаки ҳужжатлар асносида тузилган айблов хулосаси сингари ҳолатларга барҳам берилиб судга фақат мақбул далилларгина боради.

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга оширган ёки тергов қилмаган бўлса-да, айблов хулосасини тасдиқлаган прокуратура органи вакилининг судга давлат айбловини қўллаши холислик тамойилига унча тўғри келмайди ҳамда суд жараёнида тарафлар тенглиги ва тортишув принципларини амалда таъминланишига хизмат қилмайди.

Давлат айбловини қўллаётган прокуратура органи вакили ўзи тергов қилган ёки айблов хулосасини тасдиқлаган жиноят иши якунидан манфаатдор бўлганлиги боис, гарчи суд жараёнида дастлабки тергов ҳаракат-

ларини ўтказишда процессуал қонунчилик талаблари бузилганлиги ёки айбланувчининг айби тасдиқланманганлиги аниқланган тақдирда ҳам жиноят иши бўйича айблов ҳукми чиқарилишига ҳаракат қилади. Бу ҳам аччиқ ҳақиқат. Суд жараёнида прокурорга айбловдан воз кечиш ваколати берилган, лекин мен матбуотда охирги беш йил ичида прокурор мана шу ваколатидан неча марта фойдаланганлиги ҳақида ўқимаганман. Айрим моддалардан эмас, умуман, айбловдан воз кечилишини назарда тутаяпман. Шахсни 10 та модда билан айблаб, кейин суд мажлисида прокурор икки-учтасидан воз кечиши мумкин. Лекин, гап шахс ҳақиқатан иккита-учта модда билан айбланган бўлса, бутунлай реабилитация қилишни талаб қилган прокурор тўғрисида маълумот йўқлиги ҳақида борапти.

Прокуратуранинг жиноят ишларини ўзи тергов қилиш ва жиноят иши якунлари бўйича тузиладиган барча айблов хулосаларини тасдиқлаш ваколатини бекор қилиш ва ушбу ваколатни келажакда тузилиши лозим бўлган мустақил фаолият кўрсатувчи тергов департаменти ёки кўмитасига бериш лозим. Судланувчига нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилаш фақат суднинг ваколатига тегишли бўлиб, прокурорнинг жазо тури ва миқдорини белгилашни суддан сўраши ишни кўраётган суднинг мустақиллиги ҳамда тарафларнинг процессуал тенглиги тамойилларига нечоғлик мувофиқ келиш ёки келмаслик масаласини ўрганган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва бу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш долзарб бўлиб бормоқда.

Президент Фармонида белгиланган дастлабки эшитув босқичи институтини амалиётга жорий қилиш механизминини ишлаб чиқишда асосий эътибор тарафларнинг тенглиги, суднинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигига риоя қилинишига қаратилса, мамлакатда одил судловга бўлган ишонч янада ортиб бораверади.

Б. САЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адвокатлар палатаси
Услубий-маслаҳат кенгаши раиси,
юридик фанлар доктори

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ ТАРИХИЙ БУРИЛИШ



Ф. МАЖИДОВ,
Тайлоқ туманлараро
иқтисодий суди
судьяси

Маълумки, 2020 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сонли Фармони қабул қилинди.

Хўш, мазкур Фармоннинг мазмуни ва моҳияти нимада ва у қандай омиллар асосида қабул қилинди?

Бугунги кунда, барча соҳаларда бўлгани каби судлар фаолиятига доир қабул қилинаётган ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонга мувофиқ қабул қилинаётган йиллик тараққиёт дастурлари доирасида бирма-бир амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятини ҳар томонлама мустақамлаш, ривожлантириш орқали уни «адолат кўрғони»га айлантириш учун олиб борилаётган ислохотлар замирида, Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга қилаётган Мурожаатлари (2018 йилнинг декабрь ва 2020 йилнинг январь ойларида), миллий қонунчилик техникаси ва механизмнинг ривожланиши пировардида суд-ҳуқуқ тизимида доир ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замонавий ахборот-коммуни-

кация технологияларини қўллаган ҳолда, интерактив ва онлайн шаклда кенг жамоатчилик, эксперт ва мутахассислар, тадқиқотчилар ва тегишли ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, барча тоифадаги ҳуқуқшунослар, журналист ва блогерлар иштирокида муҳокама қилиниши, яъни КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКнинг фикр ва муносабатлари, таклиф ва тавсиялари ҳам мавжуд. Қолаверса, бугунги кунда мамлакатимиз ҳукуматлараро ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан олиб борилаётган ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириб бормоқда ва уларнинг юртимиздаги барча соҳаларни тараққий эттириш борасидаги зарур фикр ва тавсияларини диққат билан ўрганиб бормоқда, бу бўйича керакли чора-тадбирларни амалга оширишга киришмоқда.

Хусусан, халқаро ташкилотлар вакиллари, комиссиялари ҳамда маърузачиларининг мамлакатимизга ташрифлари қўллаб-қувватланмоқда.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян 2019 йилнинг 19-25 сентябрь кунларида Ўзбекистонга ташриф буюриб, суд-ҳуқуқ тизимлари, адвокатлар фаолиятини ўрганиши ва ўрганиш натижалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг Женевада (Швейцария) 2020 йил 13 июль кuni бўлиб ўтган 44-сессияси доирасида ўз ҳисоботини эълон қилди. Мазкур ҳисоботда махсус маърузачининг соҳага доир таклиф ва тавсиялари ҳам берилди.

Шу билан биргаликда, судлар фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда амалиётда мавжуд муаммолар, жамият ва давлатимизнинг ўзига хос маҳаллий шарт-шароитлари ўрганилмоқда. Ва бунда хорижий давлатлар тажрибаси ҳам чуқур ўрганилмоқда. Натижада 2016 йилдан 2020 йилга қадар судлар фаолиятига оид 20 дан ортиқ қо-

нун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида берган кўрсатмалари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 24 июлида қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сонли Фармони эса, судлар фаолиятини ривожлантириш, суд тизимини такомиллаштириш ва судларда иш юритишни янада мукамаллаштириш соҳасида ташланган янги бир кадам бўлди.

Фармонга мувофиқ 2021 йилнинг 1 январидан қуйидаги тартиблар жорий қилинади:

- суд ишларини назорат тартибда кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибда протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;

жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш;

- туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибда қайта кўриб чиқиш;

- апелляция тартибда кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда қайта кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суд-

лов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибда такроран кўриб чиқиш;

- давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш;

- прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш;

- қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш.

Фармонга мувофиқ Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби (кейинги ўринларда – Судлов таркиби) тузилади.

Судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда – йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилади.

Эндиликда, инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши;

колган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

Фармон билан суд ҳокимияти органлари тузилмасига ҳам жиддий ўзгаришлар киритилиши белгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида:

- Олий суд бошқармалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш вази-фаси юклатилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига ҳисобдор бўлган, Олий суд раисининг тақдимномасига асосан Олий суд Пленуми томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари лавозими;

- Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси;

- Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси;

- вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида – матбуот хизматлари лавозимлари киритилади.

Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази тугатилади. Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказини тугатиш ҳисобидан бўшаётган 9 та штат бирлиги Олий суд тизимида ташкил этилаётган Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини шакллантиришга йўналтирилади.

Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари, бошқарма бошлиқларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун белгиланган, Олий суднинг бошқарув ходимлари таркибига киритилган бошқа ходимларига нисбатан эса, вилоят судлари судьялари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади. Мазкур шартлар фақат муқаддам судьялик лавозимида ишлаган шахсларга нисбатан қўлланилади, ушбу шахсларнинг шу лавозимларда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади ҳамда пенсия тайинлашда ҳисобга олинади.

Фармон билан:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилмаси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларининг намунавий тузилмалари;

Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг намунавий тузилмалари;

харбий судларнинг намунавий тузилмалари;

туманлараро, туман (шаҳар) судларининг намунавий тузилмалари;

фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ва туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг юрисдикция ҳудудлари тасдиқланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати тузилмасига кўшимча бошқарув ходимлари штатларини киритиш судлар тизимини оптималлаштириш натижа-сида бўшайдиган штат бирликлари ҳисобидан амалга оширилади.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргалик-да 2020 йил 1 ноябрга қадар қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги тахрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритиши ҳам назарда тутилган:

судларнинг тузилиши, туман (шаҳар), туманлараро, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг, Раёсатининг, Пленумининг ваколатлари доираси;

судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларга нисбатан қўйиладиган талаблар;

судьялар, суд раислари ва раис ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) тартиби;

судьяларнинг мақоми, уларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш;

судьяларга нисбатан интизомий иш фақат судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан қўзғатилишини назарда тутган ҳолда, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги, интизомий ишни қўзғатиш ва кўриб чиқиш тартиби;

судьялар ваколатларини тўхтатиб туриш, шунингдек тугатиш асослари ва тартиби;

судьяларнинг моддий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари.

Қайд этиш керакки, дунё давлатларида суд тизимлари ва уларда иш юритиш тартиб-қоидаларида халқаро-ҳуқуқий тан олинган умумий тамойиллар амал қилса-да, давлатларнинг суд органлари тизими, фаолият доираси, судларнинг тузилиши бир-биридан фарқланади.

Жаҳон давлатлари судлари уларда кўриб чиқиладиган низолар, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, муносабатлар доираси, предмети, иш

ва муносабатлар субъектларининг тоифалари бўйича ўзаро фарқ қилади.

Жумладан, маълум бир муносабатлар ва ҳолатлар доирасидаги масала (низоларнинг судловга берилиши ёки судловдан чиқарилиши (масалан, солиқ қарзини солиқ тўловчининг мол-мулкидан ундириш), маълум тоифадаги ишларнинг бир тоифадаги судлар ваколатидан бошқа тоифадаги судлар ваколатига олиб берилиши (масалан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиши), суд тизимлари бўғинларида биринчи, апелляция, кассация, назорат инстанцияларида иш юритиш тартибларининг ўзгариши бунга мисол бўла олади.

Ҳозиргача Ўзбекистонда суд тизими ва уларда иш юритиш тартиблари бир неча бор ўзгартирилган.

Жумладан, 1993 йил 2 сентябрдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоят хўжалик судлари мавжуд бўлган.

Ушбу Қонунга 1995, 1996 йилларда 2 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Сўнгра «Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2000 йил 14 декабрдаги Қонун билан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинган ва мазкур Қонунга ҳам 2020 йилнинг июль ойига қадар бўлган муддатда 18 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

2017 йил 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сонли Фармони қабул қилиниши ортидан судлар тизими ва фаолиятида белгиланган ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги

ЎРҚ-428-сонли Қонуни қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига навбатдаги ўзгартиришлар киритилган ва Ўзбекистон Республикаси судлар тизими бугунги (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди; Ўзбекистон Республикаси Олий суди; ҳарбий судлар; Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари; Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари; фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари; жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари; туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари; туман (шаҳар) маъмурий судлари) кўринишга келган.

Эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сонли Фармони қабул қилиниши билан унда белгиланган вазифалар доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни яна бир бор янги таҳрирда қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 29 июлдаги 19-сонли қарори ва у билан тасдиқланган Йўл харитасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Эксперт-таҳлил гуруҳига 2020 йилнинг 20 октябрга «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш ва 2020 йилнинг 1 ноябрга қадар уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш вазифаси топширилган.

Мазкур ислохотлар судлар тизимининг янада такомиллаштирилишига, суд органларининг ихчамлашуви ва ижро интизомининг мустаҳкамланишига, жисмоний ва юридик шахсларнинг судларга мурожаат қилиш механизми соддалаштирилишига хизмат қилади.